

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ПАХТА, ТЎҚИМАЧИЛИК, ЕНГИЛ
САНОАТ МАШИНАЛАРИНИ
ЛОЙИҲАЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛЛАРИ”
модули бўйича
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Тошкент – 2016

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2016 йил 6 – апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа
ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар: ТТЕСИ т.ф.н., доц. Ш.Ҳакимов
ТТЕСИ т.ф.н., доц. К. Авазов
ТТЕСИ т.ф.н., доц. А.Сафоев
ТТЕСИ кат.ўқит. Х. Абдугаффров
ТТЕСИ кат.ўқит. П. Бутовский
ТТЕСИ асс. Н.А.Наврұзов

Такризчилар: хорижий эксперт Hwan Ki Lee Жанубий Корея
КОИСА мутахассиси, профессор
ТТЕСИ ўқув бўлими бошлиғи Б.Хасанов

*Ўқув -услугий мажмуа ТТЕСИ Кенгашининг 2016 йил 29 августдаги
1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР.....	17
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР	89
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ	117
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	118
VII. ГЛОССАРИЙ.....	120
VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	122

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, маҳсулот сифати менежменти ва тизимли таҳлил, қарор қабул қилиш асослари, пахта, тўқимачилик, енгил саноат машиналарини лойиҳалашнинг янги усуллари модули негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди

Ушбу дастурда пахта, тўқимачилик, енгил саноат машиналарини лойиҳалашда қўлланиладиган замонавий усуллар (кам харажат сарф қилиш, деталларни юқори аниқликда ва қисқа вақт ичида тайёрлаш, дизайни ва эстетик жиҳатига аҳамият бериш, маҳсулот сифатига ижобий таъсир қилиши ва бошқалар). Технологик машиналар ва жиҳозларни тайёрлашда аниқликни таъминлаш. Машиналарнинг қисм ва деталларини тайёрлаш. Технологик машиналарни лойиҳалаш. Пахта, тўқимачилик, енгил саноат машиналарини лойиҳалашда замонавий усуллардан кенг фойдаланиш. Замонавий ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида пахта, тўқимачилик, енгил саноат машиналарини лойиҳалаш усуллари (Auto-cad, 3D MAX, MX Flash дастурлари ёрдамида), уларнинг афзаллик ва камчиликлари келтирилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Пахта, тўқимачилик, енгил саноат машиналарини лойиҳалашнинг янги усуллари **модулининг мақсад ва вазифалари:**

Модулнинг мақсади: Пахта, тўқимачилик, енгил саноат машиналарини лойиҳалашнинг янги усуллари ўрганиш.

Модулнинг вазифаси: пахтани дастлабки ишлаш, йигириш, тўқиш, тикув ва тикув-трикотаж ва ипак ишлаб чиқарувчи машиналарини лойиҳалашда замонавий усуллардан кенг фойдаланиш. Замонавий ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида пахта, тўқимачилик, енгил саноат машиналарини лойиҳалаш усуллари (Auto-cad, 3D MAX, MX Flash дастурлари ёрдамида), улардан фойдаланиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Пахта, тўқимачилик, енгил саноат машиналарини лойиҳалашнинг янги усуллари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- тўқимачилик, енгил ва пахта саноати машина ва жиҳозлари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолатини;
- тўқимачилик, енгил ва пахта саноати машиналарини компьютерда лойиҳалаш усулларини;
- корхоналардаги хизмат кўрсатиш техника ва технологияларини;
- замонавий ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланишнинг самарали усулларини *билиши* керак.

Тингловчи:

- замонавий технологик машина ва жиҳозларнинг фарқлари, афзаллик ва камчиликларини таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида ишлатиладиган машина ва жиҳозлардан фойдаланиш;
- машина ва жиҳозларни лойиҳалашда замонавий усуллардан фойдаланиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- ишлаб чиқариш жараёнидаги кетма-кетлик учун машина ва жиҳозлар танлаш;
- лойиҳалаш жараёнида машина ва жиҳозларда аниқликни таъминлаш;
- тўқимачилик, енгил ва пахта саноати машина ва жиҳозларининг долзарб муаммоларини таҳлил қилиш;
- технологик машина ва жиҳозларни компьютерда лойиҳалашда замонавий технологиялардан фойдаланиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- тўқимачилик, енгил ва пахта саноати машина ва жиҳозлардан фойдаланишда инновацион технологияларни амалиётда қўллаш;
- технологик машина ва жиҳозларни замонавий усулларда лойиҳалаш;
- тўқимачилик, енгил ва пахта саноат машина ва жиҳозларини бошқариш;
- замонавий технологик машина ва жиҳозларни ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Пахта, тўқимачилик, енгил саноат машиналарини лойиҳалашнинг янги усуллари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик

технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимотлар, видеоматериаллар ва электрон-дидактик технологиялардан; ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, “SWOT-таҳлил”, «Хулосалаш» (Резюме, Веер), “Кейс-стади”, “Блиц-ўйин” методи ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулининг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Пахта, тўқимачилик, енгил саноат машиналарини ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиялар”, “Пахта, тўқимачилик, енгил саноатда инновацион техника ва технологиялар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг шахсий ахборот майдонини шакллантириш, кенгайтириш ва касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулининг олий таълимдаги ўрни

Модул Пахта, тўқимачилик, енгил саноат машиналарини лойиҳалашнинг янги усуллари ва улардан таълим тизимида фойдаланиш орқали таълимни самарали ташқил этишга ва сифатини тизимли орттиришга ёрдам беради.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш машғулотлари бўйича ажратилган соатлар ҳажми

№	Модул мавзулари Мавзулар	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				
			Жами	жумладан,			Кўчма машғулот
назарий	амалий машғулот	мустақил таълим					
1.	Математик тизимлар	2	2	2			
2.	FLASH технологияси. Анимация ва Action Script дастури	2	2	2			
3.	Оддий дифференциал тенгламаларнинг аналитик ечимини maple ва mathcad дастурлари ёрдамида топиш	2	2	2			
4.	Оддий дифференциал тенгламаларни maple ва mathcad дастурлари ёрдамида сонли ечиш	2	2	2			
5.	Амалий масалаларни математик	2	2	2			

	пакетлар ёрдамида сонли ечиш						
6.	КОМПАС 3D мухитида подшипникни, таянчни танлаш ва ҳисоблаш	2	2		2		
7.	КОМПАС 3D мухитида узелни мустахкамликка ҳисоблаш	2	2		2		
8.	Чекли элементлар усули билан тебранишда унинг турғунлигини ошириш мақсадида детал шаклини лойихалаш	2	2		2		
9.	Чекли элементлар усули билан КОМПАС мухитида пахта хом ашёсини қуритиш конструкциясини иссиқликка ҳисоблаш	2	2		2		
10.	Регрессия тенгламаси ва корреляция коэффициентларини ҳисоблаш	2	2		2		
11.	Машиналарни лойихалашни замонавий усуллари	2	2			2	
12.	Ишлаб чиқариш шароитида тармоқ машиналарини лойихалаш технологиясини ўрганиш	6	6				6
	Жами:	28	26	10	10	2	6

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-маъруза: Математик тизимлар.

MathCAD имкониятлари ва унинг интерфейси. Математик ифодаларни қуриш ва ҳисоблаш. Икки ва уч ўлчамли график қуриш. Символли ҳисоблашлар. Тенгламалар тизимини ечиш. Матрицалар устида амаллар. Дифференциал тенгламаларни ечиш. MatLab матрицалар билан ишлаш. Сигналларни автоматик бошқариш. MathCAD ва Derive қўлланилиши. Ўзгаувчиларга қиймат бериш. MathCAD ҳужжатида матн киритиш. Дискрет ўзгарувчилар. Сонларни форматлаш. Икки ва уч ўлчамли график қуриш.

2- маъруза: FLASH технологияси. Анимация ва Action Script дастури.

Macromedia Flash дастури. Macromedia Flash дастурида тасвир чизиш. Flash дастури ёрдамида ҳам анимация ва такдимот файлларни яратиш. Дастурни ишга тушириш. Дастурда анимация ҳаракатларни яратиш. Flash ва кўпгина анимацион муҳаррирлар ҳамда видео монтаж дастурлар асосида кадрлар кетма кетлиги жойлаш. Кадрлар устидан бажариладиган асосий амаллар. Flash дастурнинг асосий ҳаракатлари. Macromedia Flash дастурининг менюси.

Macromedia Flash дастурининг иш куруллар соҳаси. Macromedia Flash дастурида тасвирлар билан ишлаш. Macromedia Flash дастурида анимация яратиш. Шакллар геометриясини ўзгариши (shape tweening) асосида яратилган анимация. Кадрма-кадр анимациялар. Action Script дастури белгилари намуналарини бошқариш.

3- маъруза: Оддий дифференциал тенгламаларнинг аналитик ечимини Maple ва MathCAD дастурлари ёрдамида топиш.

Оддий дифференциал тенглама. Maple ва MathCAD математик пакетлари ёрдамида оддий дифференциал тенгламаларни тақрибий ечиш. Дифференциал тенглама. Чегаравий масала ва уни ечишда Maple дастуридан фойдаланиш мақсади. Иккинчи тартибли дифференциал тенглама. Икки нуқтали чегаравий масала. Рўтге-Кутта ёрдамида оддий дифференциал тенгламалар системасини ечиш. Рўтге-Кутта усулининг қўлланилиши. desolve команда дифференциал тенгламанинг ечиш. Коши масаласи ёки чегаравий масаланинг ечилиши. Дифференциал тенгламанинг даражали қаторлар ёрдамида яқинлашувчи ечимлар. Оддий дифференциал тенглама ва унинг умумий ечимини MathCAD дастурида топиш.

4- маъруза: Оддий дифференциал тенгламаларни Maple ва MathCAD дастурлари ёрдамида сонли ечиш.

Оддий дифференциал тенгламани Maple дастурида desolve командаси ёрдамида сонли ечиш. Дифференциал тенглама. Дифференциал тенгламани сонли ечишни кўрсатувчи параметрлар. Коши масаласи. Дифференциал тенглама сонли ечимини график кўринишда ифодалашнинг Maple дастуридаги Dertools пакети. Оддий дифференциал тенгламани Mathcad дастурида сонли ечиш ва унинг ечими графигини куриш. Эйлер усули билан олинган натижалар.

5- маъруза: Амалий масалаларни математик пакетлар ёрдамида сонли ечиш.

Амалий масалаларни математик пакетлар ёрдамида сонли ечиш усуллари. Ньютон мисоли. Ечимларнинг вектор майдони. Чегаравий масала. Дифференциал тенгламанинг даражали қаторлардаги ечими. Ҳар хил чегаравий шартлар. Механик тебранишларга доир масалалар. Дифференциал тенгламаларини сонли ечиш. Ярим косинусоидал кучлар. Вертикал тебранишлар. Бошланғич шартлар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

КОМПАС 3D мухитида подшипникни, таянчни танлаш ва ҳисоблаш.

Подшипникларни ҳисоблаш. Подшипникларни статик ва динамик юк кўтариши. Узоқ муддат ишлаши. Иссиқлик ажралиши. Ўқли куч. Эквивалент юкланиш. Юк кўтариши. Подшипник ресурси тушунчаси. Подшипникнинг температуравий тартибларини танлаш. Иссиқли ажралиш ҳисоби.

Подшипникларни иссиқликка ҳисоблаш. Мой характеристикаси. Подшипник ишлаш шартини киритиш. Подшипникларни ҳисоблаш натижалари.

2- амалий машғулот:

КОМПАС 3D мухитида узелни мустахкамликка ҳисоблаш.

APM FEM ни созлаш. Тишли узатмани ҳисоблаш. Моделни тайёрлаш. PM FEM кутубхонасини улаш. Моделни ҳисоблашга тайёрлаш. Мос келувчи қирралар вазифаси. KE-тўр генерацияси. Ҳисоблашни бажариш. Натижаларни кучланиш карта, силжиш кўринишида кўриш. Моделни ҳисоблашга тайёрлаш. Чизиқли тезланиш. Ҳисоблаш нуқтаси. Қотирма ўрнатилган юза ва қиррани кўрсатиш. Мустахкамлик тахлили шохлари билан ишлаш. Тўр генерацияси. Тўр чуқурлигини аниқлаш. APM Structure 3D да натижалар файлини сақлаш. Чарчашдаги мустахкамлик параметрини ҳисоблаш. Эквивалент кучланиш. Натижалар диапазони. Моделнинг инерцион характеристикаси.

3- амалий машғулот:

Чекли элементлар усули билан тебранишда унинг турғунлигини ошириш мақсадида детал шаклини лойихалаш.

Чекли элементлар усули. Тебранишда унинг турғунлигини ошириш. детал шаклини лойихалаш. Янги урчуқ чизмаси. Хусусий тебранишлар частотасининг тарқалиш эпюралари. Урчуқнинг мустахкамлик захира коэффиценти. Хусусий тебранишлар частотаси. Мажбурий тебранишлар частотаси. Резонанс ҳосил бўлиши шарти.

4- амалий машғулот:

Чекли элементлар усули билан КОМПАС мухитида пахта хом ашёсини қуришти констркциясини иссиқликка ҳисоблаш.

Чекли элементлар усули. КОМПАС мухитида пахта хом ашёсини қуришти констркциясини иссиқликка ҳисоблаш. Пахтани қуришти ва пахта тозалаш корхоналарида қайта ишлаш технологик оқими. Тўғри оқимли 2СБО-10, СБО ва СБТ қуритгичлар. Пахта бўйича иш унумдорлиги. Қуришти агенти ҳарорати. Буғлантирилган намлик. Юкланиш ва деформациянинг ёйилиши. Чизиқли кенгайиш коэффиценти. Иссиқлик деформациясига деталларни ҳисоблаш.

5-Амалий машғулот

Регрессия тенгламаси ва корреляция коэффицентларини ҳисоблаш.

Регрессия тенгламаси. Корреляция коэффицентларини ҳисоблаш тартиби. Корреляцион боғланиш учун регрессиянинг чизиқли тенгламаси. Боғланишнинг ишончлилиги. Чизиқли дастурлаш масалалари.

Кўчма машғулот мазмуни

“Пахта, тўқимачилик, енгил саноат машиналарини ишлаб чиқаришда янги техника ва технологиялар” модулида кўчма машғулотлар замонавий жихозлар билан жихозланган соҳанинг етакчи корхоналари ва лабораторияларида олиб борилади.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Изоҳ
1	Кейс топшириқлари	2.5	1.5 балл
2	Мустақил иш		1 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Блиц-ўйин” методи.

Методнинг мақсади: таълим олувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб кўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб кўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Дастурий воситаларни ўрнатиш ва созлаш» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Математик ифодаларни қуриш ва ҳисоблаш					
Икки ва уч ўлчамли график қуриш					
Тенгламалар тизимини ечиш					

MatLab матрицалар билан ишлаш					
Ўзгарувчиларга қиймат бериш					

“Кейс-стади” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. MathCAD дастуридан фойдаланиб олинган натижаларни математик ифодаларни қуриш ва ҳисоблаш керак. Қийматлар киритилгач график қуришда хатолик кўрсатилди

Кейси бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- MathCAD дастурини ишга тушириш учун учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S *кучли томонлари*

W *кучсиз томонлари*

O *имкониятлари*

T *тўсиқлар*

Намуна: Математик тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Математик тизимлардан фойдаланишнинг кучли томонлари	Open source (очик кодли), фойдаланувчилар сонининг кўплиги...
W	Математик тизимлардан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Математик ифодаларни кирита билиш кераклиги...
O	Математик тизимлардан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Beautiful UI (чиройли интерфейс), Connectivity (барча тажриба натижалари ва тадқиқотларини сонли ечиш ва графиклар қуриш)...
T	Тўсиқлар (ташки)	Маълумотлар хавфсизлигининг тўлақонли таъминланмаганлиги...

«Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи.

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари таширилган таркатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрафлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича таркатмага ёзма баён қилади:



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади. зарурий ахборотло билан тўлдирилади ва мавзу

Намуна:

Математик тизимлар					
MatLab		MatCAD		Derive	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

Пинборд техникаси

Пинборд (инглизча: пин – маҳкамламоқ, боард - доска) – таълим техникаси бўлиб, унинг мазмуни баҳс-мунозара ёки муҳокама методларининг амалий методлар билан боғлиқлик жиҳатида кўринади.

Пинборда техникасини амалга ошириш босқичлари

1. Тайёрлов босқичи.

Муаммоли саволни ўртага ташлаш ва тезкор саволлар билан йўналиш

2. Муаммоли саволни таҳлил қилиш.

Саволга оид тузилмани ва таянч тушунчаларни баён қилиш.

3. Хулосаларни баён қилиш.

Тингловчи ўз жавобларини махсус карточка ёки қоғозга ёзиб доскага маҳкамлайди.


4. Умумлаштириш.

Гуруҳ сардорлари гуруҳ аъзолари билан маслаҳатлашган ҳолда, ахборотни тизимлаштириш, гуруҳлаштириш билан шуғулланадилар.

Чизиклар, стрелкалар ёрдамида ғояларнинг алоқадорлик жиҳатларини кўрсатадилар

Мавзунинг ҳар бир бўлими учун муаммоли саволлар:

1. Моки баҳяқатори ҳосил қилишда моки қайси турдаги ҳаракатларни қилиши мумкин.
2. Нима учун ҳозирда саноатда асосан тебранувчи ва айланувчи мокили тикув машиналар қўлланилиб келинмоқда?
3. Нима учун тебранувчи мокили тикув машиналарни тезлиги 3500 мин^{-1} гача чегараланган?



“Скарабей” технологиясининг тарбиявий характери

- ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш;
- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- фаоллик;
- хушмуомалалик;
- ишга ижодий ёндашиш;
- мавжуд имкониятларни кўрсатиш;
- ўз қобилияти ва имкониятларини текшириш;
- ўз фаолияти натижаларига масъуллик ва қизиқиш уйғотиш.

“Скарабей” технологияси қоидалари

Ассоциация - мантиқий боғлиқлик бўлиб, сезги, тасаввур, идрок ғоя ва бошқалар орасида ҳосил қилинувчи мантиқий алоқалар.

Ранжирлаш (муайян тартиб) - аҳамияти, муҳимлиги, мазмуни даражасига қараб тартиблаш.

Умумийдан қараб хусусийга йўл топиш.

Тушунчаларни қисқа изоҳини келтириш.

Ранжирлаш ва тавсифлашни амалга ошириш учун 15 дақиқа вақт белгиланади.

“Скарабей” технологияси учун тарқатма карточкалар	
Йиғириш	Йиғирилган ип талаблари
Урчуқли ва урчуқсиз машиналар	Йиғириш системалари
Уайт, родион глиппов, жеймс харгривс	Ип йиғириш технологияси тараққиёти

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-маъруза. Математик тизимлар.

Режа:

- 1.1. MathCAD имкониятлари ва унинг интерфейси.
- 1.2. Математик ифодаларни куриш ва ҳисоблаш
- 1.3. Икки ва уч ўлчамли график куриш.
- 1.4. Символли ҳисоблашлар.
- 1.5. Тенгламаларни сонли ва символли ечиш.
- 1.6. Тенгламалар тизимини ечиш.
- 1.7. Матрицалар устида амаллар.
- 1.8. Дифференциал тенгламаларни ечиш.

Таянч иборалар: *MathCAD, интерфейс, математик ифода, символ, тенглама, усул, ечиш усули, ҳисоблаш, Mathematica, Maple, Matlab, пакет, дастур, матрица, автоматик бошқариш, восита, сигнал, тўплам, қиймат, ифода, натижа, функция, жадвал, график, анализ, дифференциал.*

1.1. MathCAD имкониятлари ва унинг интерфейси

Яқин кўтгача фойдаланувчи ўзининг математик масаласини ечиш учун нафақат математикани билиши балки компьютерда ишлашни, камида битта дастурлаш тилини билиши ва мураккаб ҳисоблаш усуллари ўзлаштирган бўлиши керак бўлар эди. Ҳозирда эса дастурлашни била олмайдиган ёки хоҳламайдиганлар учун тайёр илмий дастурлар мажмуалари, электрон қўлланмалар ва типик ҳисоб-китобларни бажаришга мўлжалланган дастурий воситалар бўлган – *амалий воситалар пакетлари (АВП)* мавжуд.

Бу пакетлар фойдаланувчи учун керакли бўлган барча ишни ёки ишнинг асосий керакли қисмини бажариш имконини беради: муаммони тадқиқ қилиш (аналитик шаклида ҳам); маълумотларнинг таҳлили; ечим мавжудлигини текшириш; маделлаштириш; оптималлаш; графикларни куриш; натижаларни ҳужжатлаштириш ва шақиллантириш; тақдимотларни яратиш.

Ҳозирги кунда кампьютер алгебрасининг нисбатан имкониятли пакетлари бу - *Mathematica, Maple, Matlab, MathCAD, Derive* ва *Scientific WorkPlace*. Бўлардан биринчи иккитаси профессионал математиклар учун мўлжалланган бўлиб имкониятларнинг бойлиги, ишлатишда мураккаблиги билан ажралиб туради.

Топологиядан олинган чегара билан корсатилган структура маълумотлари CAD/CAM дастурида ишлатилади. Улар уч олчамли каттик жисмлар кориниши оркали ифодаланган тузилиши маълумотлар туфайли CAD/CAM ишлатилади. Киска қилиб айтганда бу моделлар фақат геометрик тенгламадан олинади. Бу кирралар, баландликлар, базан хажмга тааллуқли болиши мумкин. Бу

моделларда мутахассислар [Боу 01, 87] такидлашича бу тизим объектнинг сиртки кўринишини худ химоя моделлари каби, 7,3 (а) ва 7,3 (б) (Math CAD 3 ўлчамли AVTOSTOL Pro 3D)¹.

MatLab матрицалар билан ишлашга ва сигналларни автоматик бошқариш ҳамда қайта ишлашга мўлжалланган.

MathCAD ва Derive қўлланилиши жуда осон бўлиб талабаларнинг типик талабларини қондиришни таъминлайди. Бўлар каторига Eureka пакетини ҳам қўшиш мумкин.


Scientific WorkPlace математик қўлёзмаларни LATEX тизимидан фойдаланган ҳолда тайёрлашга мулжалланган бўлиб бир пайда аналитик ва сонли амалларни бажариши мумкин.

MathCAD – бу компьютер математикасининг замонавий сонли усулларини қўллашнинг уникал коллекциясидир. У ўз ичига йиллар ичидаги математиканинг ривожланиши натижасида йиғилган тажрибалар, қоидалар ва математик ҳисоблаш усулларини олган.

MathCAD пакети муҳандислик ҳисоб ишларини бажариш учун дастурий восита бўлиб, у профессионал математиклар учун мўлжалланган. Унинг ёрдамида ўзгарувчи ва ўзгармас параметрли алгебраик ва дифференциал тенгламаларни ечиш, функцияларни таҳлил қилиш ва уларнинг экстремумини излаш, топилган ечимларни таҳлил қилиш учун жадваллар ва графиклар қуриш мумкин. MathCAD мураккаб масалаларни ечиш учун ўз дастурлаш тилига ҳам эга.

MathCAD интерфейси Windowsнинг барча дастурлари интефейсига ўхшаш. MathCAD ишга тушурилгандан сўнг унинг ойнасида бош меню ва учта панел воситаси чиқади: Standart (Стандарт), Formatting (Форматлаш) ва Math (Математика). MathCAD ишга тушганда автоматик равишда унинг ишчи ҳужжат файли Untitled 1 ном билан очилади ва ўтга Workshet (Иш варағи) дейилади. Standart (Стандарт) воситалар панели бир неча файллар билан ишлаш учун буйруқлар тўпламини ўз ичига олади. Formatting (Форматлаш) формула ва матнларни форматлаш бўйича бир неча буйруқларни ўз ичига олади. Math (Математика) математик воситаларини ўз ичига олган бўлиб, улар ёрдамида символлар ва операторларни ҳужжат файли ойнасига жойлаштириш учун қўлланилади.

¹ John Wiley & Sons, Inc. автор Grous, Ammar. Стана UK Applied Metrology for Manufacturing Engineering2011. 401 pg.



1. Calculator (Колькулятор) – асосий математик операциялар шаблони;
2. Graph (График) – графиклар шаблони;
3. Matrix (Матрица) – матрица ва матрица операцияларини бажариш шаблони;
4. Evaluation (Баҳолаш) – қийматларни юбориш ва натижаларни чиқариш оператори;
5. Calculus (Ҳисоблаш) – дифференциаллаш, интеграллаш, суммани ҳисоблаш шаблони;
6. Boolean (Мантикий операторлар) – мантикий операторлар;
7. Programming (Дастурлашириш) – дастур тўзиш учун керакли модуллар яратиш операторлари;
8. Greek (Грек ҳарфлари) - Symbolik белгилар устида ишлаш учун операторлар.

1.2. Математик ифодаларни қуриш ва ҳисоблаш

Бошланғич ҳолатда экранда курсор крестик кўринишда бўлади. Ифодани киритишда у киритилаётган ифодани эгаллаб олган кўк бурчакли ҳолатга ўтади. MathCADнинг ҳар қандай операторини киритишни учта усулда бажариш мумкин:

- меню буйруғидан фойдаланиб;
- клавиатура тугмаларидан фойдаланиб;
- математик панелдан фойдаланиб.

Ўзгаувчиларга қиймат бериш учун юбориш оператори “:=” ишлатилади. Ҳисоблашларни амалга ошириш учун олдин формуладаги ўзгарувчи қийматлари киритилади, кейин математик ифода ёзилиб тенглик “=” белгиси киритилади, натижада ифода қиймати ҳосил бўлади (расм).


Оддий ва математик ифодаларни таҳрирлашда меню стандарт буйруқларидан фойдаланилади. Таҳрирлашда клавиатурадан ҳам фойдаланиш мумкин, масалан

- кесиб олиш – Ctrl+x;
- нусха олиш – Ctrl+c;

- қўйиш – Ctrl+v;
- бажаришни бекор қилиш – Ctrl+z.


MathCAD 200 дан ортиқ ўзида қурилган функцияларига эга бўлиб, уларни математик ифодаларда ишлатиш учун стандарт панел воситасидаги Insert Function (Функцияни қўйиш) тугмасига боғланган мулоқот ойнасидан фойдаланилади¹.

MathCAD ҳужжатида матн киритиш учун бош менюдан Insert→Text Region (Қўйиш→Матн майдони) буйруғини бериш ёки яхшиси клавиатурадан иккитали кавичка (“) белгисини киритиш керак. Бунда матн маълумотини киритиш учун экранда матн киритиш майдони пайдо бўлади. Матн киритиш майдонига математик ифодани ёзиш учун математик майдонни ҳам қўйиш мумкин. Бунинг учун шу матн майдонида туриб Insert→Math Region (Қўйиш→Математик майдони) буйруғини бериш кифоя. Бу майдондаги киритилган математик ифодалар ҳам оддий киритилган математик майдон каби ҳисоблашни бажаради.



MathCADда фойдаланувчи функциясини тўзиш ҳисоблашларда қулайликни ва унинг эффективлигини оширади. Функция чап томонда кўрсатилиб, ундан кейин юбориш оператори (:=) ва ҳисобланадиган ифода ёзилади. Ифодада ишлатиладиган ўзгарувчи катталиклари функция параметри қилиб функция номидан кейин қавс ичида ёзилади (расм).

¹ AutoCAD 14 70x100F16, 2003r. (Jorj Omura)



Дискрет ўзгарувчилар. MathCADда дискрет ўзгарувчилар деганда цикл операторини тушуниш керак. Бундай ўзгарувчилар маълум кадам билан ўсувчи ёки камайувчи сонларни кетма-кет қабул қилади. Масалан:

$x:=0..5$. Бу шуни билдирадики бу ўзгарувчи қиймати қатор бир неча қийматлардир, яъни $x=0,1,2,3,4,5$.

$x:=1,1.1..5$. Бунда 1 – биринчи сонни, 1,1 – иккинчи сонни, 5 - охириги сонни билдиради.

$x:=A,A+B..B$. Бунда A – биринчи, A+B – иккинчи, B - охириги сонни билдиради.

Изоҳ! Ўзгарувчи диапазонини кўрсатишда икки нуқта ўрнига клавиатурадан (;) нуқта вергул киритилади ёки Matrix (Матрица) панелидан Range Variable (Дискрет ўзгарувчи) тугмаси босилади. Ҳисобланган қийматни чиқариш учун эса ўзгарувчи ва тенглик белгисини киритиш кифоя. Натижада ўзгарувчи қиймати кетма-кет жадвалда чиқади. Масалан, $x:=0..5$ деб ёзиб, кейин $x=$ киритиш керак.

Фойдаланувчи функциянинг унинг аргументига мос қийматларини ҳисоблаб чиқариш ва бу қийматларни жадвал ёки график кўринишда тасвирлашда дискрет ўзгарувчилардан фойдаланиш қулайликни келтиради. Масалан, $f(x)=\sin(x)\cdot\cos(x)$ функция қийматларини x нинг 0 дан 5 гача бўлган қийматларида ҳисоблаш керак бўлса, у ҳолда қуйидаги киритишни амалга ошириш керак: $f(x)=\sin(x)\cdot\cos(x)$ $x:=0..5$ $f(x)=$ жавоб.

Сонларни форматлаш. Одатда MathCAD 20 белги аниқлигигача математик ифодаларни ҳисоблайди. Ҳисоблаш натижаларини керакли форматга ўзгартириш учун сичқонча кўрсаткичини сонли ҳисоб чиқадиган жойга келтириб, икки марта тез-тез босиш керак. Натижада сонларни форматлаш натижаси Result Format ойнаси пайдо бўлади. Сонларни форматлаш қуйидагилардир:

- General (Асосий) – ўз ҳолида қабул қилиш. Сон экспоненциал кўринишда тасвиланади.

- Decimal (Ўнлик) – ўнлик қўзғалувчан нукта кўринишда тасвирланувчи сон (масалан, 12.5564).
- Skientific (Илмий) – сон фақат даражада тасвирланади (масалан, $1.22 \cdot 10^5$).
- Engeneering (мухандислик) – соннинг даражаси фақат 3 га каррали қилиниб тасвирланади (масалан, $1.22 \cdot 10^6$).
- Fraction (Каср) – сон тўғри ёки нотўғри каср кўринишида тасвирланади.

1.3.Икки ва уч ўлчамли график қуриш

Икки ўлчамли функция графигини қуриш учун қуйидаги процедураларни бажариш керак.


1.Қайси жойга график қуриш керак бўлса, шу жойга крестли курсор қўйилади.

2.Математик панелининг Graph (График) панелидан x-y Plot (Икки ўлчовли график) тугмаси босилади.

3.Ҳосил бўлган икки ўлчамли график шаблонига абсцисс ўқи аргументи номи, ордината ўқига функция номи киритилади.

4.Аргументнинг берилган ўзгариш диапазонида графикни қуриш учун график шаблони ташқариси сичқончада босилади. Агар аргументнинг диапазон қиймати берилмаса, у ҳолда автоматик ҳолда аргумент диапазон қиймати 10 дан 10 гача бўлади ва шу диапазонда график қурилади (расм).

График форматини қайта ўзгартириш учун график майдонини икки марта тез-тез сичқончани кўрсатиб босиш ва очилган мулоқот ойнасидан керакли ўзгаришларни қилиш керак.




Агар бир неча функциялар графигини қуриш керак бўлса ва улар аргументлари ҳар хил бўлса, у ҳолда графикда функциялар ва аргументлар номлари кетма-кет вергул қўйилиб киритилади. Бунда биринчи график биринчи

аргумент бўйича биринчи функция графигини ва иккинчиси эса мос равишда иккинчи аргумент бўйича иккинчи функция графигини тасвирлайди ва ҳакозо.

Қуйида график формати мулоқот ойнаси қўйилмаларини берамиз:

1. X-Y Axes – координата ўқини форматлаш. Координата ўқига сетка, сонли қийматларни графикга белгиларни қўйиш ва қуйидагиларни ўрнатиш мумкин:

- LogScale – логарифмик масштабда ўқга сонли қийматларни тасвирлаш;
- Grid Lines – чизикқа сеткалар қўйиш;
- Numbered – координата ўқи бўйича сонларни қўйиш;
- Auto Scale – сон қийматлар чегарасини ўқда автоматик танлаш;
- Show Markers – графикка белги киритиш;
- Autogrid – чизик сеткаси сонини автоматик танлаш.



2. Trace – функция графикларини форматлаш. Ҳар бир функция графигини алоҳида ўзгартиш мумкин:

- чизик кўриниши (Solid – узликсиз, Dot – пунктир, Dash – штрихли, Dadot – штрихли пунктир);
- чизик ранги (Color);
- график типи (Type) (Lines – чизик, Points – нуқталар, Bar ёки SolidBar – устунли, Step – поғонали график ва бошқа);
- чизик қалинлиги (Weight);
- символ (Symbol) - графикда ҳисобланган қийматлар учун (айлана, крестик, тўғри бурчак, ромб).

3. Label – график майдони сарловҳаси. Title (Сарловҳа) майдонига сарловҳа матни киритилади.

4. Defaults – бу қўйилма ёрдамида график кўринишига қайтиш мумкин.

Уч ўлчамли график қуриш учун қуйидаги процедураларни бажариш керак.

1. Икки ўзгарувчи функция номини кейин ($:=$) юбориш оператори ва функция ифодасини киритиш.

2. График қуриш керак бўлган жойга курсор қўйилади.

3. Математик панелининг Graph (График) панелидан Surface Plot (уч ўлчамли график) тугмаси босилади. Шу жойда уч ўлчамли график шаблони пайдо бўлади.

4. Шаблон майдонидан ташқарисида сичқонча босилади ва график қурилади, масалан, 6-расм чап томон.

Икки ўзгарувчи функция бўйича график сиртини қуришни тез қилиш мақсадида бошқа усул ҳам мавжуд ва у айрим ҳолларда функция сиртини тўзишда функция массив сонли қийматларини ишлатади, масалан, 6-расм чап томон. Бундай графикни қуриш учун қуйидаги процедураларни бажариш керак.

1. Дискрет ўзгарувчилар ёрдамида икки функциянинг ўзгарувчиси учун ҳам қийматларини киритиш.

2. Массив киритиш. Унинг элементлари функция қийматлари бўлиб, улар берилган функция аргументлари қийматларидан ташқил этилади.

3. Курсор қайси жойга график қуриш керак бўлса шу жойга қўйилади.

4. График шаблонига функция номини киритиш.

5. Шаблон майдонидан ташқарисида сичқонча босилади ва график қурилади, масалан, расм ўнг томон.

Уч ўлчамли TTRS моделдан ва Чебишев формуласидан (критерия) фойдаланган ҳолда Mitutoyo Sosmos дастурини қуйидагича ёза оламиз:

- Мин-Мах ёки Чебишев критерияси сифатида эса:


7.1-жадвал. TTRS нинг синфланиши: [Воу 01]).

Синфлар	Даражаси	MGDE	минимал элемент
1. Шакл берилган	0	еркин	Текисликдаги тўғри чизик
2. Призматик	1	текислик билан тўғри чизик бўйлаб	Текисликдаги тўғри чизик нуктаси
3. Айланма	1	Нукта атрофида айланиш билан богълик	Айланадаги нукта
4. Текислик	2	перпендикуляр айланиш икки тўғри чизик бўйлаб	нукта
5. Силиндрик.	3	айланиш билан богълик	нукта
6. Сферик	3	Сфера билан богълик	текислик

Икки дарслари бирлаштириб, биз бошқа бир синф олишимиз мумкин. Юза формаси эркин, цилиндр, призматик, текис ёки сферик бўлиши мумкин. Масалан цилиндр шакл хосил қилиш учун бизикки параллел ўқдаги тўғри чизикларни айлантириш орқали эришамиз. Бундан ташқари, икки параллел оқи бир-бирига призматик синф ва иккита оқи ташқил этувчи номаълум юзалар ҳам бор Мутахассисликка оид адабиётларда ҳар бир синфга оид маълумотлар келтирилган. Уч ўлчамли метрологияда чизиклар ва текисликлар турли усулларда шакллантирилган. Ўртасида тузилмалари иккинчиси нисбий

жойлашишни чекловларни ишлаб. Бу тушунарли бўлиши керак Бу тўғри, икки синфлар асосланган MGDE этилади, яъни масофалар ва иборат деб юритилади¹.

$$\delta = (\varepsilon_{i\max i} - \varepsilon_{i\min i})_{\text{minimum}} \quad [7.3]$$



Бунда:

- Surface Plot – график сирти;
- Contour Plot – график чизиғи даражаси;
- Data Points – графикда фақат ҳисоб нуқталарини тасвирлаш;
- Vector Field Plot – вектор майдони графиги;
- Bar Plot – уч ўлчовли график гистограммаси;
- Patch plot – ҳисоб қийматлари майдони.

Булардан ташқари яна бир қанча бошқариш элементлари мавжуд. Улар графикни форматлашда кенг имкониятни беради. Масалан, график масштабини ўзгартириш, графикни айлантириш, графикга анимация бериш ва бошқа. 7-расмда уч ўлчамли графикни форматлаш ойнаси берилган.

Графикни бошқаришнинг бошқа усуллари қуйидагилар:

- *Графикни айлантириш* уни кўрсатиб сичқонча ўнг тугмасини босиш билан амалга оширилади.
- *Графикни масштабластириш* Ctrl тугмасини босиб сичқонча орқали бажарилади.
- *Графикга анимация* бериш Shift тугмасини босиш билан сичқонча орқали амалга оширилади.
-

1.3. Символли ҳисоблашлар

Айрим ўзгармасларга глобал қийматни бериш учун қуйидаги процедурани бажариш керак бўлади:


1. Ҳазармас номи киритилади.

¹ John Wiley & Sons, Inc. автор Grous, Ammar. Стана UK Applied Metrology for Manufacturing Engineering 2011. 407 pg.

2.Математика панелидан Evaluation Toolbar (Баҳолаш панели) тугмаси босилади.

3.Очилган Evaluation (Баҳолаш) ойнасидан Global Definition (Глобал аниқлаш) тугмаси босилади ёки Shift+~ тугмалари баравар босилади. Бундай аниқланиш барча ҳужжатлар учун таъсир қилади, яъни барча ҳужжатларда бу қийматни ишлатиш мумкин.

Сонли ҳисоблашлардан ташқари MathCAD белгили (символли) ҳисоблашларни ҳам амалга оширади. Бу дегани ҳисоблашлар натижасини аналитик кўринишда тасвирлаш мумкин. Масалан, аниқмас интеграл, дифференциаллаш ва бошқа шу каби масалаларни ечишда унинг ечимини аналитик кўринишда тасвирлайди (расм).



Символли ҳисоблашларни бажаришда иккита асосий восита мавжуд:

- Symbolics (Символли ҳисоблаш) менюси;
- Математика панелидан Symbolic панели.

Бу воситалар анча мураккаб символли ҳисоблашларда қўлланинилади. Ҳозир эса оддий символли ҳисоблашни бажаришнинг энг содда усули, яъни тез-тез ишлатилиб туриладиган усуллардан бири - символли тенглик белгиси (\rightarrow) усулини кўриб чиқамиз. Қуйида бу усулдан фойдаланишнинг кетма-кетлик тартиби берилган:

1.Математика панелидан Calculus Toolbar (Ҳисоблаш панели) тугмаси босилади.

2.Очилган панел ойнасидан Calculus (Ҳисоблаш) ни танлаб, аниқмас интегрални сичқончада чиқиллатилади (мисол тариқасида аниқмас интеграл қаралаяпти).

3.Киритиш жойлари тўлдирилади, яъни функция номи ва ўзгарувчи номи киритилади.

4. Символли белги тенглиги (\rightarrow) белгиси киритилади.

1.4. Тенгламаларни сонли ва символли ечиш

MathCAD ҳар қандай тенгламани, ҳамда кўпгина дифференциал ва интеграл тенгламаларни ечиш имкониятини беради. Мисол учун квадрат тенламанининг олдин символли ечимини топишни кейин эса сонли ечимини топишни қараб чиқамиз.


Восита	Шаблон	Таърифи
float	• Float, •→	Силжувчи нуқтани ҳисоблаш
complex	• complex, •→	Комплекс сон формасига ўтказиш
expand	• expand, •→	Бир неча ўзгарувчили йиғинди, кўпайтма ва даражани очиш
solve	• solve, •→	Тенглама ва тенгламалар тизимини ечиш
simplify	• simplify, •→	Ифодаларни ихчамлаш
substitute	• substitute, •→	Ифодаларни ҳисоблаш
collect	• collect, •→	Оддий йиғиндида тасвирланган полином кўринишдаги ифодани ихчамлаш
series	• series, •→	Даражали қаторда ифодани ёйиш
assume	• assume, •→	Аниқ қиймат билан юборилган ўзгарувчини ҳисоблаш
parfrac	• parfrac, •→	Оддий касрга ифодаларни ёйиш
coeffs	• coeffs, •→	Полином коэффициенти векторини аниқлаш
factor	• factor, •→	Ифодаларни кўпайтувчиларга ёйиш
fourier	• fourier, •→	Фуре тўғри алмаштириши
laplace	• laplace, •→	Лаплас тўғри алмаштириши
ztrans	• ztrans, •→	Тўғри z-алмаштириш
invfourier	• invfourier, •→	Фуре тескари алмаштириши
invlaplace	• invlaplace, •→	Лаплас тескари алмаштириши
invztrans	• invztrans, •→	Тескари z-алмаштириш
$M^T \rightarrow$	• $^T \rightarrow$	Матрицани транспонирлаш
$M^{-1} \rightarrow$	• $^{-1} \rightarrow$	Матрицага мурожаат
$ M \rightarrow$	• $ \bullet \rightarrow$	Матрица детерминантини ҳисоблаш
Modifiers		Modifier панелини чиқариш

Символли ечиш. Тенгламанинг символли ечимини топиш учун қуйидаги процедурани бажариш керак:

1.Ечиладиган тенгламани киритиш ва тенглама ечими бўлган ўзгарувчини курсорнинг кўк бурчагида ажратиш.

2.Бош менюдан Symbolics→Variable→Solve (Символли ифода→Ўзгарувчи→Ечиш) буйруғини танлаш. Тенгламани ечиш 10-расмда келтирилган.

Сонли ечиш. Алгебраик тенгламаларни ечиш учун MathCADда бир неча функциялар мавжуд. Улардан Root функциясини кўриб чиқамиз. Бу функцияга мурожаат қуйидагича: Root(f(x),x).



Root функцияси итерация усули секущих билан ечади ва сабаб бошланғич киймат олдиндан талаб этилмайди. расмда тенгламани сонли ечиш ва унинг экстремумини топиш келтирилган.

Тенгламани ечиш учун одлин унинг графиги қурилади ва кейин унинг сонли ечими изланади. Функцияга мурожаат қилишдан олдин ечимга яқин киймат берилади ва кейин Root функция киритилиб, $x_0 =$ берилади. Root функцияси ёрдамида функция ҳосиласини нулга тенглаштириб унинг экстремумини ҳам топиш мумкин. Функция экстремумини топиш учун куйидаги процедурани бажариш керак:

1. Экстремум нуқтасига бошланғич яқинлашишни бериш керак.

2. Root функциясини ёзиб унинг ичига биринчи тартибли дифференциални ва ўзгарувчини киритиш.


3. Ўзгарувчини ёзиб тенг белгисини киритиш.

4. Функцияни ёзиб тенг белгисини киритиш.

Root функцияси ёрдамида тенгламанинг символли ечимини ҳам олиш мумкин. Бунинг учун бошланғич яқинлашиш талаб этилмайди. Root функция ичига олувчи ифодани киритиш кифоядир (масалан, $\text{Root}(2h^2+h-bb,h)$). Кейин Ctrl+. клавишасини биргаликда босиш керак. Аграр символли ечим мавжуд бўлса, у пайдо бўлади.

MathCADда тенгламалар тизимини ечиш Given...Find ҳисоблаш блоки ёрдамида амалга оширилади¹. Тенгламалар тизимини ечиш учун итерация усули қўлланилади ва ечишдан олдин бошланғич яқинлашиш барча номаълумлар учун берилади (расм).


¹ Bethune J.D. Engineering Design and Graphics with SolidWorks Prentice Hall, 2009



1.5.Тенгламалар тизимини ечиш

Тенгламалар тизимини ечиш учун қуйидаги процедурани бажариш керак:

- 1.Тизимга кирувчи барча номаълумлар учун бошланғич яқинлашишларни бериш.
2. Given калит сўзи киритилади.




3.Тизимга кирувчи тенглама ва тенгсизлик киритилади. Тенглик белгиси қалин бўлиши керак, бунинг учун Ctrl+= клавишларини биргаликда босиш керак бўлади ёки Boolean (Бул операторлари) панелидан фойдаланиш мумкин.

4.Find функцияси таркибига кирувчи ўзгарувчи ёки ифодани киритиш.

Функцияга муружаат қуйидагича бажарилади: Find(x,y,z). Бу ерда x,y,z – номаълумлар. Номаълумлар сони тенгламалар сонига тенг бўлиши керак.

Find функцияси функция Root га ўхшаб тенгламалар тизимини сонли ечиш билан бир қаторда, ечимни символли кўринишда ҳам топиш имконини беради (расм).



1.7. Матрицалар устида амаллар

Математик масалаларни ечишда Matchadнинг хизмати матрицалар устида амаллар бажаришда яққол кўринади. Матрицалар катта бўлганда бу амалларни бажариш анча мураккаб бўлиб, компьютерда Matchadда дастур тўзишни талаб этади. Matchad тизимида бундай ишларни тез ва яққол кўринишда амалга оширса бўлади.

Матрицани тўзиш. Матрица ёки векторни қуйидаги процедура ёрдамида аниқлаш мумкин:

1. Матрица номини ва (:=) юбориш операторини киритиш.



2. Математика панелидан Vector and Matrix Toolbar (Матрица ва вектор панели) тугмачаси босилади. Кейин Matrix or Vector (Матрица ва вектор) тугмаси босилади, натижада Matrix (Матрица) панели очилади. Очилган мулоқот ойнасидан устун ва сатр сонлари киритилиб Ок тугмаси босилади. Бу ҳолда экранда матрица шаблони пайдо бўлади.

3. Ҳар бир жой сонлар билан тўлдирилади, яъни матрица элементлари киритилади.


Шаблон ёрдамида 100 дан ортиқ элементга эга бўлган матрицани киритиш мумкин. Вектор – бу бир устунли матрица деб қабул қилинади. Ҳар қандай матрица элементи матрица номи билан унинг икки индекси орқали аниқланади. Биринчи индекс қатор номерини, иккинчи индекс – устун номерини билдиради. Индексларни киритиш учун математика воситалар панелдан Matrix панелини очиб, у ердан Vector and Matrix Toolbar, кейин Subscript (Пастки индекс) босилади. Клавиатурадан буни [(очувчи квадрат кавс) ёрдамида бажарса ҳам бўлади. Массив элементи нумери 0, 1 ёки исталган сондан бошланиши мумкин (мусбат ёки манфий). Массив элементи нумери бошқариш учун махсус ORIGIN номли ўзгарувчи ишлатилади. Автоматик 0 учун ORIGIN=0 деб ёзилади. Бунда массив элементлари номери нулдан бошланади. Агар нулдан бошқа сондан бошланса унда ORIGIN дан кейин икки нуқта қўйилади, масалан ORIGIN:=1.

Матрицалар устида асосий амаллар. Matchad матрицалар билан қуйидаги арифметик операцияларни бажаради: матрицани матрицага қўшиш,

айириш ва кўпайтириш, бундан ташқари транспонирлаш операциясини, мурожаат қилиш, матрица детерминантини ҳисоблаш, *махсус* сон ва махсус векторни топиш ва бошқа (расмлар).



3-Маъруза. Оддий дифференциал тенгламаларнинг аналитик ечимини Maple ва MathCAD дастурлари ёрдамида топиш.

Режа:

- 3.1. Оддий дифференциал тенглама ва унинг умумий ечими.
- 3.2. Чегаравий масала ва уни ечишда Maple дастуридан фойдаланиш.
- 3.3. Дифференциал тенгламанинг даражали қаторлар ёрдамида яқинлашувчи ечимлар.

Таянч иборалар: дифференциал тенглама, чегаравий масала, Maple дастури, даража, қиймат, фан-техника, ҳосилали дифференциал, аргумент, коэффициент, математик усул, Рўтге-Кутта усули, *desolve* буйруғи, Коши масаласи.

3.1. Оддий дифференциал тенглама ва унинг умумий ечимини

Механиканинг турли масалаларини ўрганиш кўп ҳолларда оддий дифференциал тенгламаларни ечишга олиб келинади. Аниқ амалий масала эса ихтиёрий тартибли дифференциал тенгламани ечишни талаб этади. Бундай масалаларни кўп ҳолларда аналитик усуллар билан ечиб бўлмайди. Ана шундай ҳолларда биз сонли усулларга мурожаат қиламиз. Сонли усуллар ёрдамида тақрибий ечим курилади ва тегишли хулосалар сиқарилади. Мазкур ишда ана шундай масалаларни Maple ва MathCAD математик пакетлари ёрдамида оддий дифференциал тенгламаларни тақрибий ечиш масалалари қаралади.

Ҳозирги кунда фан-техника ривожланиб борган сари математиканинг роли ортиб бормоқда. Шу жумладан математикадан физика, механика ва астрономия ҳамда иқтисодий масалаларни ечишда, биологик жараёнларни таҳлил этишда ва бошқа кўп соҳаларда фойдаланилади. Бу соҳалардаги жараёнларнинг математик модели дифференциал тенгламалар номи билан юритилади.

Номаълум функциянинг ҳосиласи ёки дифференциали қатнашган тенглама дифференциал тенглама дейилади.

Агар номаълум функция бир аргументли бўлса, у ҳолда тенглама оддий дифференциал тенглама деб, агар номаълум функция кўп ўзгарувчили бўлса, у ҳолда тенглама хусусий ҳосилали дифференциал тенглама деб айтилади.

Масалан, фараз қилайлик моддий нуқта OX ўқи бўйлаб ҳаракат қилсин. Ҳаракат функцияси $\varphi(t)$ бўлсин. Бундан ташқари бирор $t=t_0$ моментда унинг абсиссаси x_0 қийматни қабул қилсин. Шу моддий нуқтанинг ҳаракат қонунини топинг.

Бу масаланинг математик модели ушбу

$$\frac{dx}{dt} = f(t), \quad x(t_0) = x_0$$

дифференциал тенглама ва бошланғич шарт кўриниш билан ифодаланади.

Яна бир мисол келтирайлик. Радиактив модда ҳисобланган радийнинг парчаланиш тезлиги унинг миқдорига тўғри пропорционал. Фараз қилайлик, t моментда R_0g радий бор бўлсин. Ихтиёрий t моментда Rg радий миқдорини аниқланг.

Агар пропорционаллик коэффициентини c ($c > 0$) га тенг бўлса, у ҳолда масала ушбу дифференциал тенгламани ечишга келтирилади.

$$\frac{\partial R}{\partial t} = -cR$$

Бу тенгламани $t=t_0$ да $R=R_0$ га тенг бўладиган ечими

$$R=R_0e^{-c(t-t_0)}$$

функция билан ифодаланади.

Юқоридаги масалалардан кўринадики, битта дифференциал тенгламани бир неча функциялар қаноатлантириши мумкин, шунинг учун дифференциал тенгламалар назариясининг асосий мақсади берилган тенгламанинг барча ечимларини топиш ва уларнинг хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Бу мақсадга эришиш учун ҳозирги кубда бизнинг кўлимизда махсус математик пакетлар мавжуд. Бўлар Maple, MathCAD, MathLab, Матҳематиса ва ҳоказо. Ана шу пакетлардан фойдаланган ҳолда оддий дифференциал тенгламаларни ечишимиз мумкин бўлади.

Аммо яна бир масалани ойдинлаштириш лозим бўлади. Бу ҳам бўлса шундай саволга жавоб бериш керак: ҳар қандай дифференциал тенгламаларни ана шундай йўл билан ечиш мумкинми?

Албатта, йўқ.

Унда нима қилиш керак?

Ана шундай ҳолда бизга тақрибий ҳисоб усуллари ёрдам беради.

Улардан унумли фодаланган ҳолда қўйилган мақсадга етарлича аниқликда эришиш мумкин. Бунда албатта масаланинг тури, ундаги функцияларнинг характериға қараб ҳар хил тақрибий ҳисоб усуллари қўллаш мумкин.

Қуйида ана шунга эришиш учун аввали дифференциал тенглама, чегаравий масала, уларнинг умумий ва хусусий ечимлари, уларни аналитик усулда топиш, қай ҳолларда математик пакетлардан қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳақида сўз юритилади.

Бўларни босқичма-босқич қараб чиқайлик.

3.2. Чегаравий масала ва уни ечишда Maple дастуридан фойдаланиш мақсади.

Биринчи тартибли дифференциал тенглама ошқормас кўринишда

$$F(x, y, y') = 0$$

каби ва ошқор кўринишда эса

$$y' = f(x, y) \tag{1}$$

$[x_0, b]$ кесмада

$$y|_{x=x_0} = y_0 \tag{2}$$

бошланғич шарт билан берилган бۆлсин. $x=b$ нуктада номаълум $y = y(x)$ функциянинг қийматини тақрибий ҳисоблаш талаб қилинсин.

Агар берилган масаланинг $y = \varphi(x)$ ечимини топиш мумкин бўлганда, $x=b$ нуктада, равшанки, $y|_{x=b} = \varphi(b)$ ни топишимиз мумкин бўлади. Лекин аксарият ҳолларда масаланинг умумий ечимини топиб бўлмайди. Бундай ҳолларда тақрибий (сонли) усуллар қўлланилади.

Иккинчи тартибли дифференциал тенглама берилган бўлсин:

$$F(x, y, y', y'') = 0 \quad (3)$$

Икки нуктали чегаравий масала (3) учун қуйидагича қўйилади: $[a, b]$ кесма ичида (3) тенгламани қаноатлантирувчи ва кесманинг охирида эса

$$\left. \begin{aligned} \varphi_1[y(a), y'(a)] &= 0 \\ \varphi_2[y(b), y'(b)] &= 0 \end{aligned} \right\} \quad (4)$$

чегаравий шартлар қаноатлантирувчи $y = y(x)$ функцияни топиш талаб қилинади.

(3) тенглама ва (4) чегаравий шартлар чизиқли бўлган ҳолни қарайлик. Бундай чегаравий масала чизиқли чегаравий масала дейилади. У ҳолда дифференциал тенглама ва чегаравий шартларни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$y'' + p(x)y' + q(x)y = f(x) \quad (5)$$

$$\left. \begin{aligned} \alpha_0 y(a) + \alpha_1 y'(a) &= A \\ \beta_0 y(b) + \beta_1 y'(b) &= B \end{aligned} \right\} \quad (6)$$

бу ерда $p(x), q(x), f(x)$ - $[a, b]$ кесмада узлуксиз бўлган берилган функциялар, $\alpha_0, \alpha_1, \beta_0, \beta_1, A, B$ - берилган ўзгармаслар бўлиб

$$|\alpha_0| + |\alpha_1| \neq 0 \quad \text{ва} \quad |\beta_0| + |\beta_1| \neq 0$$

шартни қаноатлантиради.

Агар $A = B = 0$ бўлса, у ҳолда (6) чегаравий шарт бир жинсли дейилади.

Масалани ечиш усуллари. Масалани ечиш усуллари 3 турга бўлиш мумкин, бўлар: аниқ усуллар, тақрибий-аниқ усуллар, сонли усуллар.

Аниқ усуллар бу ечимни элементар функциялар орқали ифодалаш ёки элементар функциялар интегралли орқали ифодалашдан иборат бўлиб, бу усуллар оддий дифференциал тенгламалар курсида ўрганилган. Аниқ усуллар амалиётда учрайдиган масалаларнинг баъзи бир турларинигина ечиш имконини беради. Масалан, ушбу

$$\frac{dx(t)}{dt} = t^2 + x^2(t)$$

Дифференциал тенгламанинг ечимини элементар функциялар орқали ифодалаб бўлмайди. Ушбу

$$\frac{dx(t)}{dt} = \frac{x(t) - t}{x(t) + t}$$

тенгламанинг умумий ечими

$$0,5 \ln(t^2 + x^2) + \operatorname{arctg}\left(\frac{x}{t}\right) = C$$

Кўринишда, аммо бу трансцендент формулани ечимдан $x(t)$ нинг t дан боғлиқ ифодасини чиқариш берилган тенгламани ечишдан осон эмас.

Тақрибий-аналитик усулларга $x(t)$ ечим функцияни бирор $x_k(t)$ – функциялар кетма-кетлиги орқали ифодалаш киради, бунда $x_k(t)$ лар элементар функциялар ёки уларнинг интеграллари орқали ифодаланган бўлади. Шундай қилиб, чекланган k қиймат учун $x(t)$ ечимга эга бўламиз. Бу усулларга мисол қилиб ечимни умумлашган даражали қаторларга ёйиш усули, Пикар усули, кичик параметрлар усулини келтириш мумкин. Бу усуллардан масалани ечишнинг бошланғич катта қисмини аниқ амалга ошириш мумкин бўлгандагина фойдаланиш мумкин. Бунга фақат соддароқ масалаларни ечишдагина эришиш мумкин.

Сонли усулларда эса $x(t)$ ечим функциянинг тақрибий қийматлари тўр тугунлари деб аталувчи t_1, t_2, \dots, t_N нуқталарда тақрибий ҳисобланади. Бунда ечимлар жадвал кўринишида олинади.

Сонли усуллар берилган системанинг умумий ечимини топиш имконини бермайди, балки қўйилган масаланинг, масалан, Коши масаласининг, қайсидир бир хусусий ечиминигина топиб беради. Ана шу ҳолар сонли усулларнинг асосий камчилиги ҳисобланади. Шунга қарамасдан бу усуллар жуда кенг синфдаги масалаларни ечиш имконини берадики, кейинги пайтларда амалиётда бу усуллар самарали қўлланилиб келинмоқда.

Шуларни эътиборга олиб, мазкур ишда сонли усуллардан бири Рўтге-Кутта ёрдамида оддий дифференциал тенгламалар системасини ечишни Maple ва MathCAD математик пакетлари ёрдамида амалга оширишни кўраимиз.

Рўтге-Кутта усулининг зояси:

Фараз қилайлик, ушбу

$$x'(t) = f(t, x), \quad t \in [a, b], \quad x(t_0) = x_0$$

оддий дифференциал тенгламалар системаси ва бошланғич шартлар билан берилган масаланинг тақрибий ечимини h - тенг қадамли ушбу

$$\omega_h = \{t_j = a + jh, \quad j = 0, 1, \dots, N\}, \quad h = (b - a) / N$$

тўр тугунларида топиш талаб этилсин. Тўрнинг j номерли нуқтасида масаланинг аниқ ечимини $x_{jс} = x_{jс}(t_{jс})$ орқали, тақрибий ечимини эса $y_{jс}$ орқали белгилайлик.

Рўтге-Кутта усулининг ўзгармас h қадам билан 4-тартибли аниқликдаги тақрибий ҳисоб формуласи қуйидагича:

$$y_{j+1} = y_j + h(k_{1,j} + 2k_{2,j} + 2k_{3,j} + k_{4,j})$$

бу ерда

$$k_{1,j} = f(t_j, y_j),$$

$$k_{2,j} = f\left(t_j + \frac{h}{2}, y_j + \frac{h}{2}k_{1,j}\right),$$

$$k_{3,j} = f\left(t_j + \frac{h}{2}, y_j + \frac{h}{2}k_{2,j}\right),$$

$$k_{4,j} = f(t_j + h, y_j + hk_{3,j}),$$

Рўтге-Кутта усулининг қўлланилиш дастури математик пакетда кўзда тутилган, шунинг учун ундан дастурда кўрсатилган тартибда фойдаланилган. Рўтге-Кутта усулининг блок-схемаси 1.1-расмда тасвирланган.

Maple да дифференциал тенгламаларнинг аналитик ечимларини топиш учун қуйидаги команда ишлатилади:

`dsolve(ек, var, options),`

бу ерда

ек – дифференциал тенглама;

var – ноаниқ функциялар;

options – параметрлар.

Параметрлар масаланинг ечилиш методини кўрсатиши мумкин, масалан, жимлик қоидаси бўйича аналитик ечим қуйидагича изланади: `type=exact`.

Дифференциал тенгламани киритишда ҳосилани билдириш учун дифф команда ишлатилади, масалан,

$$y''+y=x$$

дифференциал тенглама қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\text{diff}(y(x), x^2)+y(x)=x.$$

Дифференциал тенгламаларнинг умумий ечими сони дифференциал тенгламанинг тартибига боғлиқ бўлган ихтиёрий ўзгармасларга боғлиқдир. *Maple* да бундай ўзгармаслар қоида бўйича `_C1`, `_C2`, ва ҳ.к.лар билан белгиланади.

Бир жинсли бўлмаган чизиқли дифференциал тенгламанинг умумий ечими ҳамма вақт шундай чиқариладики, ушбу ечимнинг структураси аниқ кўринади. Шу билан бирга бир жинсли бўлмаган чизиқли дифференциал тенгламанинг умумий ечими ўтга мос келувчи бир жинсли дифференциал тенгламанинг умумий ечимлари йиғиндисига ҳамда берилган бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламанинг хусусий ечимига тенг. Шунинг учун ҳам бир жинсли бўлмаган чизиқли дифференциал тенгламанинг ечимини чиқариш сатри ҳамма вақт ихтиёрий ўзгармасларни ўз ичига олган қўшилувчилардан иборат (бу мос келувчи дифференциал тенгламанинг умумий ечими) ва ихтиёрий ўзгармасларсиз бўлган йиғиндидан иборат (бу бир турли бўлмаган дифференциал тенгламанинг хусусий ечими) бўлиши мумкин.

`desolve` команда дифференциал тенгламанинг ечимини ҳисобланмайдиган шаклда беради. Ҳосил бўлган ечим устидан кейинчалик ишлаш учун (масалан, ечим графигини яшаш) ҳосил бўлган ечимнинг ўнг томонини `RHS(%)` команда билан ажратиш керак.

Муаммони ойдинлаштиришни машқларда бажариб кўрайлик ва қуйидаги тадбиқларни бажарайлик :

1-мисол. Ушбу

$$y' + y \cos x = \sin x \cos x$$

биринчи тартибли дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечили:

> restart;

> de:=diff(y(x),x)+y(x)*cos(x)=sin(x)*cos(x);


$$de := \left(\frac{\partial}{\partial x} y(x) \right) + y(x) \cos(x) = \sin(x) \cos(x)$$

> dsolve(de,y(x));

$$y(x) = \sin(x) - 1 + e^{(-\sin(x))} _C 1$$

Демак, изланаётган тенгламанинг ечим функцияси

$$y(x) = \sin(x) - 1 + e^{(-\sin(x))} _C 1.$$



1.1-расм. Рунге-Кутта усулининг блок-схемаси.

Эслатма: Maple да дифференциал тенгламанинг ечимини чиқариш сатрида ихтиёрий константа $_C1$ каби белгиланади.

2-мисол. Ушбу

$$y'' - 2y' + y = \sin x + e^{-x}$$

иккинчи тартибли дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш:

```
> restart;
> deq:=diff(y(x),x$2)-2*diff(y(x),x)+y(x)
=sin(x)+exp(-x);
```

$$deq := \left(\frac{\partial^2}{\partial x^2} y(x) \right) - 2 \left(\frac{\partial}{\partial x} y(x) \right) + y(x) = \sin(x) + e^{(-x)}$$

```
> dsolve(deq,y(x));
```

$$y(x) = _C1 e^x + _C2 e^x x + \frac{1}{2} \cos(x) + \frac{1}{4} e^{(-x)}$$

Эслатма: берилган тенглама иккинчи тартибли бўлганлиги сабабли олинган натижада иккита ихтиёрий константалар мавжуд, улар Maple да $_C1$ ва $_C2$ каби белгиланади. Ечимда биринчи иккита қўшилувчилар берилган бир жинсли дифференциал тенгламанинг умумий ечими, қолган иккитаси эса бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламанинг хусусий ечимидир.

3-мисол. Ушбу

$$y'' + k^2 y = \sin(qx)$$

тартибда берилган дифференциал тенгламанинг $q \neq k$ ва $q = k$ (резонанс) икки ҳолда умумий ечимини топинг.

Ечиш:

```
> restart; de:=diff(y(x),x$2)+k^2*y(x)=sin(q*x);
```

$$de := \left(\frac{\partial^2}{\partial x^2} y(x) \right) + k^2 y(x) = \sin(qx)$$

```
> dsolve(deq,y(x));
```

$$y(x) = \frac{\left(-\frac{1}{2} \frac{\cos((k+q)x)}{k+q} + \frac{1}{2} \frac{\cos((k-q)x)}{k-q} \right) \sin(kx)}{k} - \frac{\left(\frac{1}{2} \frac{\sin((k-q)x)}{k-q} - \frac{1}{2} \frac{\sin((k+q)x)}{k+q} \right) \cos(kx)}{k} + _C1 \sin(kx) + _C2 \cos(kx)$$

Энди ечимни резонанс ҳолатда излаймиз. Бунинг учун эса **dsolve** командани чақиришдан олдин $q=k$ деб олиш керак.

```
> q:=k: dsolve(de,y(x));
```

$$y(x) = -\frac{1}{2} \frac{\cos(kx)^2 \sin(kx)}{k^2} - \frac{\left(-\frac{1}{2} \cos(kx) \sin(kx) + \frac{1}{2} kx\right) \cos(kx)}{k^2} +$$

$$_C1 \sin(kx) + _C2 \cos(kx)$$

Эслатма: бу икки ҳолда ҳам бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламанинг ихтиёрий ўзгармасларни ўз ичига олган хусусий ҳамда умумий ечимлар алоҳида қўшилувчилар кўринишида чиқарилади.

Ечимнинг фундаментал (базисли) система кўриниши. `desolve` команда дифференциал тенглама ечимининг фундаментал системали (базисли функциялар) кўринишини топиш имконини беради. Бунинг учун `desolve` команданинг параметрларида **output=basis** ни кўрсатиш керак.

Муаммони ойдинлаштиришни машқларда бажариб кўрайлик ва қуйидаги тадбиқларни бажарайлик:

1-мисол. Қуйидаги берилган дифференциал тенгламанинг фундаментал система ечимини топинг:

$$y^{(4)} + 2y'' + y = 0.$$

Ечиш:

```
> de:=diff(y(x),x$4)+2*diff(y(x),x$2)+y(x)=0;
```

$$de := \left(\frac{\partial^4}{\partial x^4} y(x) \right) + 2 \left(\frac{\partial^2}{\partial x^2} y(x) \right) + y(x) = 0$$

```
> dsolve(de, y(x), output=basis);
```

$$[\cos(x), \sin(x), x \cos(x), x \sin(x)]$$

Коши масаласи ёки чегаравий масаланинг ечилиши. `desolve` команда Коши масаласи ёки чегаравий масаланинг ечимини топиши мумкин, агарда берилган дифференциал тенглама учун ноаниқ функциянинг бошланғич ҳамда чегаравий шартлари берилса. Бошланғич ёки чегаравий шартларда ҳосилаларни белгилаш учун дифференциал оператор D ишлатилади, масалан, $y''(0)=2$ shartni $(D@@2)(y)(0)=2$ kabi беришга тўғри келади ёки $y'(1)=0$ шартни: $D(y)(1)=0$. Эслатиб ўтамиз, n -чи тартибли ҳосила $(D@@n)(y)$ каби ёзилади.

Муаммони ойдинлаштиришни машқларда бажариб кўрайлик ва қуйидаги тадбиқларни бажарайлик:

1-мисол. Коши масаласининг ечимини топинг:

$$y^{(4)} + y'' = 2 \cos x, \quad y(0) = -2, \quad y'(0) = 1, \quad y''(0) = 0, \quad y'''(0) = 0.$$

Ечиш:

```
> de:=diff(y(x),x$4)+diff(y(x),x$2)=2*cos(x);
```

$$de := \left(\frac{\partial^4}{\partial x^4} y(x) \right) + \left(\frac{\partial^2}{\partial x^2} y(x) \right) = 2 \cos(x)$$

```
> cond:=y(0)=-2, D(y)(0)=1, (D@@2)(y)(0)=0,
```

```
(D@@3)(y)(0)=0;
cond:=y(0)=-2, D(y)(0)=1, (D(2))(y)(0)=0, (D(3))(y)(0)=0
> dsolve({de,cond},y(x));
y(x) = -2cos(x)-xsin(x)+x
```

2-мисол. Қуйидаги чегаравий масаланинг ечимини топинг:

$$y''+y = -2x - \pi, \quad y(0) = 0, \quad y\left(\frac{\pi}{2}\right) = 0.$$

Ечим графигини ясанг.

Ечиш:

```
> restart; de:=diff(y(x),x$2)+y(x)=-2*x-Pi;
```

$$de := \left(\frac{\partial^2}{\partial x^2} y(x) \right) + y(x) = 2x - \pi$$

```
> cond:=y(0)=0,y(Pi/2)=0;
```


$$cond := y(0) = 0, \quad y\left(\frac{\pi}{2}\right) = 0$$

```
> dsolve({de,cond},y(x));
```

$$y(x) = 2x - \pi + \pi \cos(x)$$

Эслатма: ечим графигини ясаш учун ҳосил бўлган ифоданинг ўнг томонини тахминан ажратишга тўғри келади (1.2-расм).

```
> y1:=rhs(%): plot(y1,x=-10..20,thickness=2);
```



1.2-расм. Чегаравий масала ечимининг графиги.

3-мисол. Қуйидаги оддий дифференциал тенгламанинг ечимини турли аналитик усуллар ёрдамида Maple дастуридан фойдаланиб ечинг:

$$\sin(x) y'(x) - \cos(x) y(x) = 0.$$

Ечиш:

```
> ode_L:=sin(x)*diff(y(x),x)-cos(x)*y(x)=0;
```

$$ode_L := \sin(x) \left(\frac{d}{dx} y(x) \right) - \cos(x) y(x) = 0$$

> dsolve(ode_L, [linear], useInt);

$$y(x) = _CI e^{\left(\int \frac{\cos(x)}{\sin(x)} dx \right)}$$

> value(%);

$$y(x) = _CI \sin(x)$$

> dsolve(ode_L, [separable], useInt);

$$\int \frac{\cos(x)}{\sin(x)} dx - \int \frac{1}{_a} d_a + _CI = 0$$

> value(%);

$$\ln(\sin(x)) - \ln(y(x)) + _CI = 0$$

3.3. Дифференциал тенгламанинг даражали қаторлар ёрдамида яқинлашувчи ечимлари

Кўпчилик дифференциал тенгламалар турларининг аниқ аналитик ечими топилмайди. Бу ҳолда дифференциал тенгламаларнинг ечимини яқинлашувчи методлар ёрдамида топиш мумкин, яъни ноаниқ функцияни даражали қаторга ёйиш орқали топиш.

Дифференциал тенгламанинг ечимини даражали қатор кўринишида топиш учун dsolve командада ўзгарувчилардан кейин type=series (ёки шунчаки series) параметрини кўрсатиш керак. *n*-чи ёйилма тартибини кўрсатиш учун, яъни даража тартибини ёйилма тугагунча, dsolve командадан олдин тартибни аниқлайдиган Order:=*n* командани кўйиш керак.

Агар дифференциал тенгламанинг умумий ечими даражали қаторлар ёйилмаси кўринишида изланаётган бўлса, у ҳолда топилган ёйилмадаги *x* -чи даража олдидаги коэффисиентлар ноаниқ қийматли нолдаги *y*(0) функция ва унинг ҳосиллари *D*(*y*)(0), *(D@@2)*(*y*)(0) ва ҳ.к.лардан иборат бўлади. Чиқариш сатрида ҳосил бўлган ифода Маклорен қаторида изланаётган ёйилмага ўхшаш бўлади *x* олдидаги коэффисиентлар бошқача бўлади. Хусусий ечимни ажратиш учун бошланғич *y*(0)=*u*1, *D*(*y*)(0)=*u*2, *(D@@2)*(*y*)(0)=*u*3 ва ҳ.к. шартларни беришга тўғри келади. Ушбу бошланғич шартларнинг сони мос дифференциал тенгламанинг тартибига тўғри келиши керак.

Даражали қаторларга бўлиш серияс типда бўлади, шунинг учун ҳам ушбу қатор билан яна ишлаш учун convert(% , polynom) команда ёрдамида полиномга айлантириб, кейин эса ҳосил бўлган ифоданинг ўнг томонини rhs(%) команда ёрдами билан белгилаш керак.

Муаммони ойдинлаштиришни машқларда бажариб кўрайлик ва қуйидаги тадбиқларни бажарайлик:

1-мисол. Коши масаласининг ечимини топинг:

$$y' = y + xe^y, \quad y(0) = 0$$

5-чи тартибли аниқликда даражали қатор кўринишида ечимни изланг.

Ечили:

> restart; Order:=5:


```
> dsolve({diff(y(x),x)=y(x)+x*exp(y(x)),
y(0)=0}, y(x), type=series);
```

$$y(x) = \frac{1}{2}x^2 + \frac{1}{6}x^3 + \frac{1}{6}x^4 + O(x^5)$$

Олинган натижада $O(x^5)$ қўшилувчи ёйилиш аниқлигининг 5-чи тартибда бўлганлигини англатади.

2-мисол. Ушбу

$$y''(x) - y^3(x) = ye^{-x} \cos x$$

дифференциал тенгламанинг умумий ечимини 4-чи тартибли даражали қатор ёйилмаси кўринишида топинг. Ёйилмани қуйидаги бошланғич шартлар ёрдамида топинг:

$$y(0)=1, y'(0)=0.$$

Ечили:

```
> restart; Order:=4: de:=diff(y(x),x$2)-
y(x)^3=exp(-x)*cos(x):
> f:=dsolve(de,y(x),series);
```

$$f := y(x) = y(0) + D(y)(0)x + \left(\frac{1}{2}y(0)^3 + \frac{1}{2}\right)x^2 + \left(\frac{1}{2}y(0)^2 D(y)(0) - \frac{1}{6}\right)x^3 + O(x^4)$$

Эслатма: ҳосил бўлган ёйилмада $D(y)(0)$ нолдаги ҳосилани билдиради: $y'(0)$. Энди эса хусусий ечимни топиш учун бошланғич шартни бериш қолди:

```
> y(0):=1: D(y)(0):=0:f;
```

$$y(x) = 1 + x^2 - \frac{1}{6}x^3 + O(x^4)$$

3-мисол. Коши масаласининг то 6-чи тартибли даражали қатор кўринишида яқинлашувчи ечимини ҳамда аниқ ечимларини топинг:

$$y''' - y' = 3(2 - x^2) \sin x, \quad y(0) = 1, \quad y'(0) = 1, \quad y''(0) = 1.$$

Аниқ ҳамда яқинлашувчи ечимларнинг графигини битта расмда ясанг.

Ечили:

```
> restart; Order:=6:
> de:=diff(y(x),x$3)-diff(y(x),x)=3*(2-x^2)*sin(x);
```


$$de := \left(\frac{\partial^3}{\partial x^3} y(x)\right) - \left(\frac{\partial}{\partial x} y(x)\right) = 3(2 - x^2) \sin(x)$$

```
> cond:=y(0)=1, D(y)(0)=1, (D@@2)(y)(0)=1;
cond:=y(0)=1, D(y)(0)=1, (D@@2)(y)(0)=1;
> dsolve({de,cond},y(x));
```

$$y(x) = \frac{21}{2} \cos(x) - \frac{3}{2} x^2 \cos(x) + 6x \sin(x) - 12 + \frac{7}{4} e^x + \frac{3}{4} e^{-x}$$

```
> y1:=rhs(%):
> dsolve({de,cond},y(x), series);
```

$$y(x) = 1 + x + \frac{1}{2}x^2 + \frac{1}{6}x^3 + \frac{7}{24}x^4 + \frac{1}{120}x^5 + O(x^6)$$



1.2-rasm. Differensial tenglama qator ko'rinishidagi yechimi grafigi.

Эслатма: Дифференциал тенгламанинг қатор кўринишидаги ечим типини **series**, шунинг учун ҳам кейинчалик шундай ечимни ишлатиш учун (ҳисоблаш ёки графикни чизиш) уни албатта **convert** команда ёрдамида полиномга конвертлаш керак (1.2-расм).

```
> convert(% ,polynom): y2:=rhs(%):
> p1:=plot(y1,x=-2..2,thickness=2,color=black):
> p2:=plot(y2,x=-2..2, linestyle=3,thickness=2,
color=blue):
> with(plots): display(p1,p2);
```

Ушбу расмда, даражали қатор ёрдамида ечимнинг энг аниқ қиймати танланган $-1 < x < 1$ интервалда бўлганлиги.

Оддий дифференциал тенглама ва унинг умумий ечимини MathCAD дастурида топиш

MathCAD дастурида оддий дифференциал тенгламаларни ечиш учун **Given** блокига тегишли **odesolve** функцияси мавжуд бўлиб, у қуйидагича ёзилади¹:

$$y = \text{odesolve}(x, b)$$

бунда x – интеграллаш ўзгарувчиси; b – **Ечиш**.
интеграллаш интервалининг охири нуктаси; бошланғич шартлар қуйидгича ифодаланади:

$$y(a) = y_1 \text{ va } y'(a) = y_2$$

Оддий дифференциал тенгламанинг ечими $[a, b]$ кесмада аниқланган y функция кўринишида тикланади.

1-мисол. Ушбу

$$y'' + y' + y = 0$$


¹ Maxfield B. Essential MATHCAD for Engineering, Science, and Math Academic Press, 2009

оддий дифференциал тенгламани $y(0)=1$ Given
 ва $y'(0)=0,5$ бошланғич шартлар учун
 $[0;6]$ интервалда MathCAD пакети
 ёрдамида ечинг.

$$y''(x) + y'(x) + y(x) = 0$$

$$y(0) = 1 \quad y'(0) = 0,5$$

$y := \text{odesolve}(x,6)$



$$y(3) = -0.058$$

$$y(6) = -0.028$$

2-мисол. Ушбу Коши масаласини, яъни

$$x''' + x' + x = e^{-t} + \cos(t)$$

учинчи тартибли оддий дифференциал тенгламани $x(0)=1$, $x'(0)=0$ ва $x''(0)=0,4$
 бошланғич шартлар учун MathCAD пакети ёрдамида ечинг.


Ечиш

Given

$$\frac{d^3}{dt^3}x(t) + x'(t) + x(t) = e^{-t} + \cos(t)$$

$$x(0) = 1 \quad x''(0) = 0,4 \quad x'(0) = 0$$

$x := \text{Odesolve}(t,6)$



$t := 0..6$

$x(t) =$

1
1.297
1.894
1.073
-2.336
-5.358
-1.851

Назорат саволлари:

1. Оддий дифференциал тенгламаларни ечиш усуллари.
2. Maple ва MathCAD математик пакетлари ёрдамида оддий дифференциал тенгламаларни тақрибий ечиш усулларини тушунтириш.
3. Чегаравий масала ва уни ечишда Maple дастуридан фойдаланиш мақсадини айтиш.
4. Рўтге-Кутта ёрдамида оддий дифференциал тенгламалар системасини ечиш усулларини тушунтириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. AutoCAD 14 70x100F16, 2003г. (Джорж Омура)
2. Bethune J.D. Engineering Design and Graphics with SolidWorks Prentice Hall, 2009.
3. Maxfield B. Essential PTC MathCAD Prime 3.0: A Guide for New and Current Users Elsevier Inc., 2013
4. Алямовский А.А. Инженерные расчеты в SolidWorks Simulation M.: ДМК-Пресс, 2010.
5. Maxfield B. Essential MATHCAD for Engineering, Science, and Math Academic Press, 2009
6. Bhupesh K. Lad . Machine Tool Reliability USA 2016
7. P.N. Rao Manufacturing Technology USA2013
8. Robert H. Bisho Mechatronic Systems, Sensors, and Actuators USA 2007

4-Маъруза. Оддий дифференциал тенгламаларни maple ва MathCAD дастурлари ёрдамида сонли ечиш.

Режа:

- 4.1. Оддий дифференциал тенгламани Maple дастурида desolve командаси ёрдамида сонли ечиш ва унинг ечими графигини одеплот командаси ёрдамида куриш.
- 4.2. Дифференциал тенглама сонли ечимини график кўринишда ифодалашнинг Maple дастуридаги Detools пакети

Таянч иборалар: дифференциал тенглама, чегаравий масала, Maple дастури, даража, қиймат, фан-техника, ҳосилали дифференциал, аргумент, коэффициент, математик усул, Рўтге-Кутта усули, desolve буйруғи, Коши масаласи.

4.1. Оддий дифференциал тенгламани Maple дастурида **dsolve** командаси ёрдамида сонли ечиш ва унинг ечими графигини одеплот командаси ёрдамида куриш.

Дифференциал тенглама (Коши масаласи ёки чегаравий масала)нинг сонли ечимини топиш учун **dsolve** командасида **type=numeric** (ёки содда қилиб **numeric**) параметрни кўрсатиш кифой. Бундай ҳолда дифференциал тенгламани ечиш командаси қуйидагича бўлади¹:

`dsolve(ек, vars, type=numeric, options),`

бу ерда

ек – тенглама;

vars – номаълум функциялар ройхати;

options – Дифференциал тенгламани сонли ечишни кўрсатувчи параметрлар.

Maple да қуйидаги усуллар ишлаб чиқилган:

- **method=rk2** –Рўтге-Куттанинг 2-тартибли усули;
- **method=rk3** –Рўтге-Куттанинг 3-тартибли усули;
- **method=rk4** –Рўтге-Куттанинг 4-тартибли классик усули;
- **method=rkf45** – жимлик қоидаси билан ўрнатилган Рўтге-Кутта-Фелбергнинг 4-5-тартибли усули;
- **method=dverk78** –Рўтге-Куттанинг 7-8-тартибли усули;
- **method=classical** – Рўтге-Куттанинг 3-тартибли классик усули;
- **method=gear** – Гирнинг бир қадамли усули;
- **method=mgear** – Гирнинг кўп қадамли усули.

Дифференциал тенглама сонли ечимининг графигини куриш учун ушбу

`odeplot(dd, [x,y(x)], x=x1..x2)`

командадан фойдаланиш мумкин, бу ерда функция сифатида **dd:=dsolve({ек,cond}, y(x), numeric)** – сонли ечиш командасидан фойдаланилган, бундан кейин эса квадрат қавсда ўзгарувчи ва номаълум функция **[x,y(x)]** ҳамда график куришнинг интервали **x=x1..x2** каби кўрсатилган (1.1-расм).

Муаммони ойдинлаштиришни машқларда бажариб кўрайлик ва қуйидаги тадбиқларни бажарайлик:

1-мисол. Қуйидаги Коши масаласининг сонли ва тақрибий ечимини 6-тартибли даражали қатор кўринишида топинг:

$$y''+x\sin(y) = -\sin x, \quad y(0) = -1, \quad y'(0) = 1.$$

Ечиш: Аввало Коши масаласининг сонли ечимини топамиз, кейин эса топилган ечимнинг графигини кураамиз:

> restart; Ordev=6:

> ек:=diff(y(x),x\$2)+x*sin(y(x))= - sin(x):

¹ Maxfield B. Essential PTC MathCAD Prime 3.0: A Guide for New and Current Users Elsevier Inc., 2013

```

> cond:=y(0)=-1, D(y)(0)=1:
> de:=dsolve({ек,cond},y(x),numeric);
      de:=proc(rkf45_x)...end proc


```

Эслатма: Натижани чиқариш каторида *rkf45* усулдан фойдаланилганлик ҳақида маълумот чиқади. Агар сатр керакли маълумот бермаса, бу оралик командани икки нуқта қўйиш билан ажратиб қўйиш лозим. Агар x нинг бирор фиксирланган қиймати учун натижа олиш (масалан, ечимнинг шу нуқтадаги ҳосиласи қийматини чиқа-риш) зарур бўлса, масалан, $x=0.5$ нуқтада, y ҳолда куйидагилар терилади (2.2-расм):

```

> de(0.5);
      [ x = .5, y(x) = -.506443608478440388 ,  $\frac{\partial}{\partial x} y(x) = .954574167168752430$  ]
> with(plots):
> odeplot(de,[x,y(x)],-10..10,thickness=2);

```



2.2-расм. Коши масаласи сонли ечимининг графиги.


Энди Коши масаласининг ечимини даражали қатор кўринишида топамиз ҳамда сонли ечим ва олинган даражали қаторнинг графигини улар мосроқ тушиши мумкин бўлган интервал учун ясаймиз (2.3-расм).

```

> dsolve({ек, cond}, y(x), series);
      y(x) = -1 + x +  $\left(\frac{1}{6} \sin(1) - \frac{1}{6}\right)x^3 - \frac{1}{12} \cos(1)x^4 + \left(\frac{1}{120} - \frac{1}{40} \sin(1)\right)x^5 + O(x^6)$ 
> convert(%, polynom):p:=rhs(%):
> p1:=odeplot(de,[x,y(x)],-3..3, thickness=2,
      color=black):
> p2:=plot(p,x=-3..3,thickness=2,linestyle=3,
      color=blue):
> display(p1,p2);

```

Ечимнинг даражали қатор билан жуда яқин қийматлари $-1 < x < 1$ эканлиги графикдан кўришиб турибди (буни юқоридаги 1.3-банднинг 3-мисоли графигида ҳам кўрган эдик).



2.3-расм. Коши масаласи ечимининг графиги.

4.2. Дифференциал тенглама сонли ечимини график кўришида ифодалашнинг Maple дастуридаги **Detools** пакети

Коши масаласини сонли ечиш, ечимнинг графигини куриш ва фазовий портретини чизиш учун *Maple*да махсус пакет **Detools** мавжуд.

Detools пакетнинг **Deplot** командаси сонли усуллар ёрдамида ечимнинг графигини ёки фазовий портретларини чизади. Бу команда **odeplot** дан фарқли рафишда, унинг ўзи дифференциал тенгламани сонли ечади¹.

Deplot нинг асосий параметрлари худди **odeplot** ники каби:

`DEplot(de, vars, range, x=x1..x2, y=y1..y2, cond, ptions),`

бу ерда

de – дифференциал тенглама ёки дифференциал тенгламалар системаси;

vars – номаълум функциялар рўйхати;

range – эрки ўзгарувчиларнинг ўзгариш интервали;

cond – бошланғич шартлар;

x=x1..x2 ва **y=y1..y2** – функцияларнинг ўзгариш диапозони;

options – қўшимча параметрлар.

Энг кўп қўлланиладиган параметрлар:

linecolor = чизиқ ранги;

scene=[x,y] – графикда қандай боғланишларни чиқариш кераклигини кўрсатувчи параметр;

iterations = ҳисоблашлар аниқлигини ошириш учун зарур бўлган итерациялар сони (жимлик қоидасига кўра у 1 га тенг);

stepsize = графикдаги нуқталар орасидаги масофани кўрсатувчи сон (жимлик қоидасига кўра у $(x_2-x_1)/20$ га тенг), бу параметр ечимнинг графигини етарлича силлиқ чиқариш учун зарур;

¹ Maxfield B. Essential MATHCAD for Engineering, Science, and Math Academic Press, 2009

obsrange=true/false – агар ечимнинг графиги кўрсатилган интервалдан ташқарида бўлса, ечимни тўхтатиш ёки ҳисоблашлар йўқлигини кўрсатиш.

n -тартибли дифференциал тенглама учун бошланғич шартларни жуда қулай шаклда бериш мумкин:

$$[x_0, y_0, y'_0, y''_0, \dots],$$

бу ерда

x_0 – бошланғич шартлар бериладиган нуқта;

y_0 – берилга x_0 нуқтада изланаётган функциянинг қиймати;

y'_0, y''_0, \dots – берилга x_0 нуқтада изланаётган функциянинг биринчи, иккинчи ва ҳокази $(n-1)$ -тартибли ҳосилалари қийматлари.

Муаммони ойдинлаштиришни машқларда бажариб кўрайлик ва қуйидаги тадбиқларни бажарайлик:

2-мисол. Қуйидаги чегаравий масалани ечинг ва уни аналитик ечим билан таққосланг, натижаларнинг графигини қуринг:


Ечилиш: Масаланинг сонли ечими (2.5-расм):

> restart; with(DEtools): with(DEtools):


DEplot(diff(y(x),x\$2)+2*diff(y(x),x)+2*y(x)=0,y(x),x=-4..4,[[y(0)=1,D(y)(0)=1]],y=-30..50,stepsize=.005);

Масаланинг аналитик ечими ва графиги: $y=e^{-x}(\cos x+2\sin x)$

plot(exp(-x)*(cos(x)+2*sin(x)),x=-4..4);



а) Сонли ечим графиги



б) Аналитик ечим графиги

2.5-расм. Сонли ва аналитик ечимлар графикалари.

2-мисол. Қуйидаги чегаравий масаланинг $x \in [-4,5]$ интервалдаги ечими графигини қуринг:


$$y''' + x\sqrt{|y'|} + x^2 y = 0, \quad y(0) = 0, \quad y'(0) = 1, \quad y''(0) = 1.$$

Ечилиш (2.6-расм):

> with(DEtools):

DEplot(diff(y(x),x\$3)+x*skrt(abs(diff(y(x),x)))

+x^2*y(x)=0,y(x),x=-4..4,[[y(0)=0,D(y)(0)=1,(D@@2)(y)(0)=1]],y=-4..5,stepsize=.05);



2.6-расм. Чегаравий масаланинг $x \in [-4, 5]$ интервалдаги ечими графиги.

3-мисол. Қуйидаги чегаравий масаланинг $x \in [-4, 5]$ интервалдаги ечими графигини курунг:

$$y' + y = \sqrt{y} e^{x/2}, \quad y(0) = 9/4.$$

Ечили. Масаланинг аналитик ечими қуйидагича:

> Ек:=diff(y(x),x)+y(x)=skrt(y(x))*exp(x/2); ics:=y(0)=9/4; dsolve({Ек,ics});

$$Eq := \left(\frac{d}{dx} y(x) \right) + y(x) = \sqrt{y(x)} e^{\left(\frac{x}{2}\right)}$$


$$ics := y(0) = \frac{9}{4}$$

$$y(x) = \frac{1}{4} \left(e^{\left(\frac{x}{2}\right)} \right)^2 + e^{\left(\frac{x}{2}\right)} e^{\left(-\frac{x}{2}\right)} + \left(e^{\left(-\frac{x}{2}\right)} \right)^2$$

Энду шу масалани DEplot ёрдамида сонли ечамиз (2.7-расм):

> Екс:=diff(y(x),x)+y(x)=skrt(y(x))*exp(x/2): icsc:=y(0)=9/4: with(DEtools):

DEplot(Екс,y(x),x=-1..2.5,y=0..5,{icsc}, linecolor=black,stepsize=0.05,color=black);



2.7-расм. Чегаравий масаланинг $x \in [-1; 2,5]$ интервалдаги ечими ва йўналишлари майдони графиги.

Оддий дифференциал тенгламани Mathcad дастурида сонли ечиш ва унинг ечими графигини қуриш

1-мисол. Ушбу

$$y' = \frac{3x - y}{x^2 + y}$$

оддий дифференциал тенгламанининг $y(2) = 1$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи ечимини кесмада $h=0,1$ қадам билан Эйлер усули ёрдамида ечин, ҳисоб дастурини MathCAD математик пакетида бажаринг.

Ечиш. Берилган мисолни MathCAD математик пакети ёрдамида сонли ечиш дастури матни ва унинг натижалари қуйидагича:

x_k нуқтадаги ечим хатолигини баҳолаш учун $h/2$ қадам билан ҳисоблашларни қатта бажариб, натижаларни аниқлаштирамиз:

```

f(x,y) :=  $\frac{3x - y}{x^2 + y}$ 
a := 2 b := 3 x0 := a y0 := 1 h := 0.1
i := 0..10
xi+1 := x0 + i · h
yi+1 := yi + h · f(xi, yi)

```

	0
0	1
1	1.1
2	1.1961
3	1.2871
4	1.3738
5	1.4568
6	1.5363
7	1.6129
8	1.6868
9	1.7583
10	1.8275
11	1.8946

```

i := 0..20 y10 := 1
xi+1 := x0 + i ·  $\frac{h}{2}$ 
y1i+1 := y1i +  $\frac{h}{2}$  · f(xi, y1i)

```

	0
0	1
1	1.05
2	1.099
3	1.147
4	1.193
5	1.238
6	1.282
7	1.325
8	1.368
9	1.409
10	1.449
11	1.489
12	1.528
13	1.566
14	1.603
15	1.64
16	1.676
17	1.712
18	1.747
19	1.781
20	1.815

Хатолик

```

i := 0..10 Ri := |y12i - yi|

```

	0
0	0
1	0.001
2	0.0031
3	0.0048
4	0.0063
5	0.0076
6	0.0087
7	0.0098
8	0.0107
9	0.0116
10	0.0123

2-мисол. Ушбу

$$y' = \frac{3x - y}{x^2 + y}$$

оддий дифференциал тенгламанининг $y(2) = 1$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи ечимини [2;3] кесмада $h=0,1$ қадам билан Рўтге-Кутта усули ёрдамида ечинг, ҳисоб дастурини Mathcad математик пакетида бажаринг.

Ечиш. Берилган мисолни Mathcad математик пакети ёрдамида сонли ечиш дастури матни ва унинг натижалари қуйидагича:

```

f(x,y) :=  $\frac{3x-y}{x^2+y}$ 
a := 2  b := 3  x0 := a  y0 := 1  h := 0.1

i := 0..10

xi+1 := x0 + i · h

k1i := f(xi, yi)

k2i := f(xi +  $\frac{h}{2}$ , yi +  $\frac{k1_i}{2}$ )

k3i := f(xi +  $\frac{h}{2}$ , yi +  $\frac{k2_i}{2}$ )

k4i := f(xi + h, yi + k3i)

yi+1 := yi +  $\frac{h \cdot (k1_i + 2 \cdot k2_i + 2 \cdot k3_i + k4_i)}{6}$ 

```

	0
0	2
1	2
2	2.1
3	2.2
4	2.3
x = 5	2.4
6	2.5
7	2.6
8	2.7
9	2.8
10	2.9
11	3

	0
0	1
1	1.0839
2	1.165
3	1.2432
4	1.3186
y = 5	1.3916
6	1.4624
7	1.5312
8	1.5981
9	1.6632
10	1.7266
11	1.7885

3-мисол. Ушбу

$$y' = 2x^2 + 2y$$

оддий дифференциал тенгламининг $y(0) = 1$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи ечимини $[0;1]$ кесмада $h=0,05$ қадам билан Эйлер усули ёрдамида ечин, ҳисоб дастурини MathCAD математик пакетида бажаринг.

Ечиш. Берилган мисолни MathCAD математик пакети ёрдамида сонли ечиш дастури матни ва унинг натижалари қуйидагича:

```

f(x,y) :=  $2 \cdot x^2 + 2 \cdot y$ 
x0 := 0  y0 := 1  L := 1


N := 20  h :=  $\frac{L}{N}$ 

i := 1..N  xi := x0 + i · h

yi := yi-1 +  $\frac{h}{2} \cdot (f(x_{i-1}, y_{i-1}) + f(x_i, y_{i-1} + h \cdot f(x_{i-1}, y_{i-1})))$ 

i := 0..N

```




4-мисол. Ушбу

$$y' = 2x^2 + 2y$$

оддий дифференциал тенгламанининг $y(0) = 1$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи ечимини $[0;1]$ кесмада $h=0,05$ қадам билан Рўтге-Кутта усули ёрдамида ечин, ҳисоб дастурини MathCAD математик пакетида бажаринг.

Ечиш. Берилган мисолни Mathcad математик пакети ёрдамида сонли ечиш дастури матни ва унинг натижалари қуйидагича:



1-мисолда Эйлер усули билан олинган натижалар 2-мисолларда Рўтге-Кутта усули билан олинган натижаларга мос экан. Худди шундай 3- ва 4-мисоллар натижалари ҳам таққосланади. Бу содда мисоллар орқали тақрибий ҳисоб усуллари ёрдамида оддий дифференциал тенгламаларни MathCAD математик пакети ёрдамида ечиш тартиби кўрсатилди. Келгусида мураккаброҳ амалий масалаларни тақрибий ечишни шу тартибда амалга ошириш мумкин.

Назорат саволлари:

1. Дифференциал тенгламани сонли ечишни кўрсатувчи параметрлар қайсилар.
2. Коши масаласи қайси ҳолатлар учун қўлланилади.
3. Оддий дифференциал тенгламани Mathcad дастурида сонли ечиш ва унинг ечими графигини қуриш усуллари айтинг.
4. Эйлер усулини тушунтиринг.

Фойдаланилган адабиётлар

1. AutoCAD 14 70x100F16, 2003г. (Джорж Омура)
2. Bethune J.D. Engineering Design and Graphics with SolidWorks Prentice Hall, 2009.
3. Maxfield B. Essential PTC MathCAD Prime 3.0: A Guide for New and Current Users Elsevier Inc., 2013
4. Алямовский А.А. Инженерные расчеты в SolidWorks Simulation М.: ДМК-Пресс, 2010.
5. Maxfield B. Essential MATHCAD for Engineering, Science, and Math Academic Press, 2009

5-Маъруза. Амалий масалаларни математик пакетлар ёрдамида сонли ечиш.

Режа:

- 5.1. Қизиқарли тарихий масалалар ечимлари
- 5.2. Механик тебранишларга доир масалалар дифференциал тенгламаларини сонли ечиш

Таянч иборалар: *Ньютон мисоли, вектор, чегаравий масала, даража, қиймат, сон, қатор, Рўтге-Кутта усули, дифференциал тенглама, система.*

5.1. Қизиқарли тарихий масалалар ечимлари

1-мисол (Ньютон мисоли) [2]. Ньютон томонидан ўрганилган қуйидаги дифференциал тенгламани $y(0)=0$ бошланғич шартда даражали қаторлар ва Рўтге-Кутта сонли усули билан ечинг.

$$\frac{dy}{dx} = 1 - 3x + y + x^2 + xy$$

Ечимларнинг вектор майдонини қуринг.

Ечиш. Аввало чегаравий масалани тузамиз:

> restart; Order:=10;

```
de:=diff(y(x),x)=1-3*x+y(x)+x^2+x*y(x); cond:=y(0)=0;
```

$$de := \frac{d}{dx} y(x) = 1 - 3x + y(x) + x^2 + xy(x)$$

$$cond := y(0) = 0$$

Масаланинг хусусий ечимини топамиз:

```
> dsolve({de,cond},y(x)); y1:=rhs(%);
```

$$y(x) = \left(3\sqrt{\pi} e^{(1/2)} \sqrt{2} \operatorname{erf}\left(\frac{\sqrt{2}x}{2} + \frac{\sqrt{2}}{2}\right) + 4e^{(-x-1/2x^2)} - e^{(-x-1/2x^2)}x - 4 - 3\sqrt{\pi} e^{(1/2)} \sqrt{2} \operatorname{erf}\left(\frac{\sqrt{2}}{2}\right) \right) e^{\left(\frac{x(2+x)}{2}\right)}$$

Дифференциал тенгламанинг даражали қаторлардаги ечими:

```
> dsolve({de,cond},y(x), series); convert(% ,polynom): y2:=rhs(%):
```


$$y(x) = x - x^2 + \frac{1}{3}x^3 - \frac{1}{6}x^4 + \frac{1}{30}x^5 - \frac{1}{45}x^6 + \frac{1}{630}x^7 - \frac{13}{5040}x^8 - \frac{1}{9072}x^9 + O(x^{10})$$

Иккала натижани графикларда таққослайлик (3.1-расм):

```
p1:=plot(y1,x=-1..2,y=-2..1,thickness=2,color=black):
```

```
p2:=plot(y2,x=-1..2, y=-2..1,linestyle=3,thickness=2,color=blue):
```

```
with(plots): display(p1,p2);
```



1-расм. Тенгламанинг аналитик ва даражали қатор кўринишидаги ечимларини таққослаш графиклари.

Энди тенгламани сонли ечиб, ечимларнинг вектор майдонини қурайлик (2-расм):


```

> Eks:=diff(y(x),x)=1-3*x+y(x)+x^2+x*y(x); icsc:=y(0)=0;
with(DEtools): DEplot(Eks,y(x),x=-1..2,y=-2..1,{icsc},
linecolor=black,stepsize=0.05,color=black);

```

$$Eqs := \frac{d}{dx} y(x) = 1 - 3x + y(x) + x^2 + xy(x)$$

$$icsc := y(0) = 0$$




1-расм. Тенгламининг сонли ечими графиги ва ечимларнинг вектор майдони.

Бу мисолни ҳар хил чегаравий шартларда қарайлик (3-расм):

```

> restart;
de:=diff(y(x),x)=1-3*x+y(x)+x^2+x*y(x):
cond:=y(0)=0: dsolve({de,cond},y(x)): y1:=rhs(%):
cond:=y(0)=0.1: dsolve({de,cond},y(x)): y2:=rhs(%):
cond:=y(0)=0.2: dsolve({de,cond},y(x)): y3:=rhs(%):
cond:=y(0)=0.3: dsolve({de,cond},y(x)): y4:=rhs(%):
p1:=plot(y1,x=-1..2,y=-2..1,thickness=2,color=black):
p2:=plot(y2,x=-1..2,y=-2..1,thickness=2,color=black):
p3:=plot(y3,x=-1..2,y=-2..1,thickness=2,color=black):
p4:=plot(y4,x=-1..2,y=-2..1,thickness=2,color=black):
with(plots): display(p1,p2,p3,p4);

```



3-расм. Тенгламанинг ҳар хил бошланғич шартлардаги ечимлари графиклари: $y(0) = 0; 0.1; 0.2; 0.3$.

2-мисол (Кучсиз махсусликка эга бўлган тенглама). Кучсиз махсусликка эга бўлган қуйидаги дифференциал тенгламани сонли ечинг:


$$\frac{dy}{dx} = \frac{q + bx}{x} y; \quad y(0) = 0$$

Ечиш. $x = 0$ да ечим махсусликка эга, яъни тенгламанинг ўнг тарафидаги $f(x,y)$ функция $x = 0$ да чексизга интилади. Тенгламанинг $\kappa = 2$, $b = 1$ даги ечимлари вектор майдони 3.4-расмда тасвирланган.

```
> de:=diff(y(x),x)=(κ+b*x)*y(x)/x; cond:=y(0)=0;
with(DEtools): DEplot(de,y(x),x=-2..2,y=-5..5,{cond},
linecolor=black,stepsize=0.05,color=black);
```

$$de := \frac{d}{dx} y(x) = \frac{(2+x)y(x)}{x}$$

$$cond := y(0) = 0$$



4-расм. Тенгламанинг *a)* $\kappa = 2, b = 1$ va *b)* $\kappa = -1/2, b = 1$ даги ечимлари вектор майдони.

3-мисол (Эйлер тенглама) $x=0$ да чексиз кўп ечимга эга бўлган қуйидаги дифференциал тенгламанисонли ечинг:


$$\frac{dy}{dx} = \frac{q + bx}{x} y; \quad y(0) = 0$$

Ечиш. $x = 0$ да чексиз кўп ечимга эга бўлган тенгламанинг берилган бошланғич шартдаги вектор майдони 5-расмда тасвирланган:

```
> de:=diff(y(x),x)=4*(sign(y(x))*sqrt(abs(y(x))))+max(0,x-
abs(y(x))/x)*cos(Pi*ln(x)/ln(2)));
cond:=y(0)=0; with(DEtools): DEplot(de,y(x),x=0..1,y=-1..1,{cond},
linecolor=black,stepsize=0.05,color=black);
```

$$de := \frac{d}{dx} y(x) = 4 \sqrt{|y(x)|} + 4 \max\left(0, x - \frac{|y(x)|}{x}\right) \cos\left(\frac{\pi \ln(x)}{\ln(2)}\right)$$

$$cond := y(0) = 0$$



3.4-расм. Тенгламанинг ечимлари вектор майдони.

5.2. Механик тебранишларга доир масалалар дифференциал тенгламаларини сонли ечиш

1-мисол. Механик системанинг кетма-кет ярим косинусоидал кучлар таъсирида вертикал тебранишлари қуйидаги оддий дифференциал тенглама билан ифодаланади:

$$m \frac{d^2 x}{dt^2} + \beta \frac{dx}{dt} + kx = |F_m \cos(\omega t)|,$$

bu yerda x – системанинг бошланғич ҳолатидан четлашиши; t – вақт; m – системанинг массаси; β - ишқаланиш коэффисиенти; k – амортизаторнинг бикрлик коэффисиенти; F_m va ω - мажбурий кучнинг параметрлари.

Мисолни қуйидаги маълумотлар учун ечинг: система massasi $m = 2$ kg; ишқаланиш коэффисиенти $\beta = 1$ kg/kuch; амортизаторнинг бикрлик коэффисиенти $k = 4$ N/m; $F_m = 3000$ N; $\omega = 0,1$ rad/s. Бошланғич шартлар: $t = 0$ da $x=0$ va $dx/dt = 0$. Системанинг тебраниши устивор бўлган вақт оралиги учун ечимни аниқланг. $F(t) = |F_m \cos(\omega t)|$ va $x(t)$ функцияларнинг боғланишинг графигини куринг.

Ечиш. Берилган тенгламани аналитик усулда ечиб бўлмайди:

```
> restart; m:=2; beta:=1; k:=4; Fm:=3000; omega:=0.1;
de:=m*diff(x(t),t$2)+beta*diff(x(t),t)+k*x(t)=abs(Fm*cos(omega*t)); dsolve(de,x(t));
cond:=x(0)=0, D(x)(0)=0; dsolve({de,cond},x(t));
```

$m := 2$
 $\beta := 1$

$$k := 4$$

$$Fm := 3000$$

$$\omega := 0.1$$

$$de := 2 \left(\frac{d^2}{dt^2} x(t) \right) + \left(\frac{d}{dt} x(t) \right) + 4 x(t) = 3000 |\cos(0.1 t)|$$


$$x(t) = e^{\left(-\frac{t}{4}\right)} \sin\left(\frac{\sqrt{31} t}{4}\right) - C2 + e^{\left(-\frac{t}{4}\right)} \cos\left(\frac{\sqrt{31} t}{4}\right) - C1 + \frac{6000}{31} e^{\left(-\frac{t}{4}\right)} \sqrt{31} \left(\int \cos\left(\frac{\sqrt{31} t}{4}\right) \left| \cos\left(\frac{t}{10}\right) \right| e^{\left(\frac{t}{4}\right)} dt \sin\left(\frac{\sqrt{31} t}{4}\right) - \int \sin\left(\frac{\sqrt{31} t}{4}\right) \left| \cos\left(\frac{t}{10}\right) \right| e^{\left(\frac{t}{4}\right)} dt \cos\left(\frac{\sqrt{31} t}{4}\right) \right)$$

$$cond := x(0) = 0, D(x)(0) = 0$$

$$x(t) = \frac{6000}{31} e^{\left(-\frac{t}{4}\right)} \sqrt{31} \left(\int_0^t \cos\left(\frac{\sqrt{31} -z1}{4}\right) \left| \cos\left(\frac{-z1}{10}\right) \right| e^{\left(\frac{-z1}{4}\right)} d_{-z1} \sin\left(\frac{\sqrt{31} t}{4}\right) - \int_0^t \sin\left(\frac{\sqrt{31} -z1}{4}\right) \left| \cos\left(\frac{-z1}{10}\right) \right| e^{\left(\frac{-z1}{4}\right)} d_{-z1} \cos\left(\frac{\sqrt{31} t}{4}\right) \right)$$

Аммо уни сонли усулда ечса бўлади:


```
> restart; m:=2: beta:=1: k:=4: Fm:=3000: omega:=0.1:
de:=m*diff(x(t),t$2)+beta*diff(x(t),t)+k*x(t)=abs(Fm*cos(omega*t)):
with(DEtools): DEplot(de,{x(t)},t=0..50*Pi,[[x(0)=0, D(x)(0)=0]],stepsize=0.1);
```



2-мисол. Асбоб блокини титрашдан ҳимоялаш учун ўтга мхсус эластик таянчлар (амортизаторлар) ўрнатилган. Унинг амортизаторлардаги ҳаракати ёнлама ва буралма тебранишлари эътиборга олинмаганда ушбу

$$m \frac{d^2 x}{dt^2} + \beta \frac{dx}{dt} + kx = 0$$

дифференциал тенглама билан
ифодаланади,



бунда x – блокнинг дастлабки ҳолатидан четланиши; t – вақт; m – блок массаси; d^2x/dt^2 – тезланиш; β – амортизаторларнинг ишқаланиш коэффисиенти; dx/dt – блокнинг тебранишидаги ҳаракат тезлиги; kx – эластик элементлар (пружиналар)нинг қаршилигини ифодаловчи ҳад; k – амортизаторларнинг бикрлик коэффисиенти; Пружиналарнинг йиғинди бикрлиги $k = k_0 (1+ax^2)$. Берилган оддий дифференциал тенгламани тенгламани $\beta = 0,5 \text{ kg/kuch}$, $m = 12 \text{ kg}$, $k_0 = 0,5 \text{ N/m}$, $a = 1 \text{ 1/m}^2$ boshlang'ich shartlar: $t=0$ da $x(0) = 0 \text{ sm}$ va $dx/dt = 1$ ҳамда қуйидаги жадвал маълумотлари бўйича ечинг. Тебранишнинг камида бешта даврини ўзида ифодаловчи ечим нуқталарини топинг ва шу оралик учун $x(t)$ боғланишнинг графигини чизинг.

Ечиш. Авало бу тенгламанинг умумий ечимини аналитик усулда топайлик:

```
> restart; m:=12; beta:=0.5; k:=0.5;
de:=m*diff(x(t),t$2)+beta*diff(x(t),t)+k*x(t)=0; dsolve(de,x(t));
```

$$\begin{aligned}
 m &:= 12 \\
 \beta &:= 0.5 \\
 k &:= 0.5 \\
 de &:= 12 \left(\frac{d^2}{dt^2} x(t) \right) + 0.5 \left(\frac{d}{dt} x(t) \right) + 0.5 x(t) = 0 \\
 x(t) &= _C1 e^{\left(-\frac{t}{48}\right)} \sin\left(\frac{\sqrt{95} t}{48}\right) + _C2 e^{\left(-\frac{t}{48}\right)} \cos\left(\frac{\sqrt{95} t}{48}\right)
 \end{aligned}$$


Тенгламанинг хусусий ечими қуйидагича:

```
cond:=x(0)=0, D(x)(0)=1; dsolve({de,cond},x(t));
```

$$\begin{aligned}
 cond &:= x(0) = 0, D(x)(0) = 1 \\
 x(t) &= \frac{48}{95} \sqrt{95} e^{\left(-\frac{t}{48}\right)} \sin\left(\frac{\sqrt{95} t}{48}\right)
 \end{aligned}$$

Энду бу тенгламани сонли ечайлик:

```
> рестарт; m:=12: beta:=0.5: k:=0.5:
de:=m*diff(x(t),t$2)+beta*diff(x(t),t)+k*x(t)=0:
